

Эшпўлат ЖАББОРОВ



**АБУЛҒОЗИЙ
БАҲОДИРХОННИНГ
ЛИНГВИСТИК ФАОЛИЯТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Эшпўлат ЖАББОРОВ

**АБУЛҒОЗИЙ
БАҲОДИРХОННИНГ
ЛИНГВИСТИК ФАОЛИЯТИ**

Қарши
“Насаф” нашриёти
2019

УЎК 4-943.75

КБК 81.1

Ж 13

Жабборов Эшпўлат.

Абулғозий Баҳодирхоннинг лингвистик фаолияти. // Э. Жабборов. Қариш "Насаф". 2019. 60 б.

КБК 81.1

Услубий қўлланмада Абулғозий Баҳодирхоннинг "Шажараи тарокима" ва "Шажараи турк" асарларида зикр этилган тилшуносликка оид маълумотлар тадқиқ этилган. Алломанинг ўзбек тилшунослиги фани ривожига хизматларига баҳо берилган.

Китоб ўзбек филологияси бакалаври ва магистри даражасини олиш учун таҳсил олаётган талабаларга, тадқиқотчи ва барча ўзбек тилига қизиқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Хўжамурод Жабборов,
филология фанлари доктори, доцент

Тақризчилар:

Отабек Шукуров,
филология фанлари номзоди, доцент.
Одил Бегимов,
филология фанлари номзоди, доцент.

Қўлланма Қариш давлат университети ўқув-услубий Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги навбатдан ташиқари 1-сонли йиғилиши қарори билан нашрга тавсия қилинган.

© Э. Жабборов, 2019 йил.

© "Насаф" нашриёти, 2019 йил.

ISBN 978-9943-18-263-9

АБУЛҒОЗИЙ БАҲОДИРХОН АСАРЛАРИ ТАДҚИҚИГА ДОИР

XVII асрда яшаб ижод қилган Абулғозий Баҳодирхон Хоразм салтанатида ўз сулоласининг шону шавкатини сақлаш йўлида тинимсиз кураш олиб борган тож соҳиби бўлиш билан бирга Шарқ халқлари тарихи, маданияти, тили ва адабиётининг ўткир билимдони, илм-фанга чуқур эътиқод қўйган, ўз она тилининг софлиги учун толмас курашчи, нодир меъморий ёдгорликларнинг юзага келишида бевосита ҳомийлик қилган маърифатпарвар давлат арбоби ҳамдир. У қолоқлашиб қолган Хоразмни ҳам иқтисодий, ҳам маданий томондан юқори кўтаришга интилан сиймо. Унинг ўзаро ички ва ташқи урушларга хотима бериш юзасидан олиб борган оқилона сиёсати ва тадбирлари тарихда хайрли ишлардан бири сифатида тилга олиб келинади.

Абулғозий Баҳодирхон номи ижодкор-олим сифатида XVII аср маданий ҳаётида алоҳида мавқега ва рутбага эга. Ундан бизга «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк», «Манофеъул-инсон» («Инсон учун фойдали тадбирлар») каби тарихий-бадний ҳамда табибликка оид нодир асарлар мерос бўлиб қолган. Алломанинг асарлари Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида инв.№7668 («Шажараи турк»), инв. №1223 («Шажараи тарокима»), инв. №4017 («Манофеъул-инсон») рақамлари остида сақланмоқда¹.

Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима» асари ярим афсонавий хусусиятга эга бўлса-да, маҳаллий халқларнинг келиб чиқиши ва уларнинг қадимий тарихига оид муҳим маълумот бера олувчи ноёб ёдгорликлардан бири саналади. Шу боис ушбу асар XVI-XVII асрлар тарихини текшириш ва ўрганишда ишончли, муҳим тарихий манба сифатида ҳозиргача ҳам ўз илмий аҳамиятини йўқотгани йўқ. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Абулғозийхоннинг бу асари рус тилига таржима қилинган ва 1898-1906 йиллар орасида бир неча бор нашр эттирилган. Адабиётшунос олим Ҳ. Худойназаров ва бошқа

¹ Худойназаров Ҳ. «Шажараи турк» ва унинг ўрганилиши. Тошкент, «Ўқитувчи». -1993. -5-б.

тарихчи олимларнинг эътирофига кўра, асар Россия олий ўқув юртларида Шарқ халқлари тарихи ва тилини ўқитишга ҳам ижобий таъсир этган².

Шарқшунос олим А.Н. Кононов асарнинг тилшунослик, тарихшунослик ва адабиётшунослик фанлари соҳасидаги аҳамияти тўғрисида қуйидагиларни ёзади: «Турк тилида ўз вақтида ёзилган «Шажараи тарокима» асари ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлиб, у фақат тил ёдгорлиги эмас, асосан ишлаб чиқариш жараёнига, тарихшунослик ва белестристик адабиётга ҳам тааллуқли асар эди»³.

Абулғозий Баҳодирхоннинг иккинчи йирик асари «Шажараи турк»дир. Асар муаллифнинг вафоти муносабати билан тўла ёзилиб, тугалланмай қолади. Абулғозийхоннинг вафотидан сўнг унинг ўғли Анушахон топшириғи билан урганчлик зиёли олимлардан бири Маҳмуд ибн Муҳаммад Урганчий асарнинг ёзилмай қолган 21 саҳифасини ниҳоясига етказди. Бу тўғрида асарнинг ўзида қуйидагича маълумот келтирилади: «Маълум бўлсинким, Абулғозийхони жаннатмакон бу китобни тасниф қилиб ярмига етканда хаста бўлдилар. Ул вақтда ўғуллариға васият қилиб турурлар ким, бу китобни нотаом қўйманг, итмомиға саъйи қилинг. Ул сабабдин Абул Музаффар вал Мансур Анушахон ибн Абулғозийхон марҳум ва мағфурат бу бандаи бибизоат ва каминаи беиститоъатки Маҳмудий ибн Мулло Муҳаммад Замон Урганчий бўлғайман, бу китобни итмомға еткур, деб ҳукм қилдилар. Агарчи банда бу амрни мушкулга лойиқ ва сазавор эрмас эрдим, андоғ ҳам бўлса, бу ҳодиса набаватки, ал - маъзурун турур, анинг мазмуниға амал қилиб бу шаҳаншоҳи олий жоҳ ҳукми бирлан билганимға лойиқ бу китобнинг итмомға таважжух қилдим»¹.

«Шажараи турк» 1663-1664 йилларда ёзилган. Асарнинг ёзилиши сабаблари тўғрисида муаллифнинг ўзи қуйидагиларни ёзади: «Аммо бизнинг ота-ақаларимизнинг бепарволик ва Хоразм халқининг бевуқуфлиқи, бу икки сабабдин, бизнинг жамоатимизнинг Абдуллахоннинг оталари бирлан бизнинг оталаримизнинг

² Худойназаров Ҳ. Кўрсатилган манба. 7-б

³ Худойназаров Ҳ. Кўрсатилган манба. 10-б.

¹ Абулғозий. Шажараи турк.-Т., Чўлпон,-1992, -180-б.

айрилгон еридин то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилали теб фикр қилдук. Хеч муносиб киши топмадук, зарур бўлди (ва) ул сабабдан ўзимиз айтдук. Туркнинг масали турур: «Ўксиз ўз киндигин ўзи кесар» теган»².

«Шажараи турк» Абулғозий Баҳодирхон ижодидагина эмас, балки XVI-XVII аср ўзбек маданияти тарихида ҳам алоҳида ўрин тутган мемуар асардир. Зеро, асарни бир қатор тарихчилар, тилшунослар, адабиётшунослар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мемуар асари «Бобурнома» қаторига қўйишлари ҳам бесабаб эмас. Венгриялик шарқшунос олим Ҳерман Вамбери Абулғозийнинг илмий салоҳияти ва юксак истеъдодига баҳо бериб шундай ёзган эди. «Абулғозий Баҳодирхоннинг кўпгина ишлари Бобурни хотирга туширади... Жаҳон унинг «Шажараи турк» асари учун ундан миннатдордир»³.

Абулғозий Баҳодирхоннинг тарихий асарлари XIX асрдан бошлаб рус ва Ғарбий Овропа тарихчилари, этнографлари ва тилшуносларининг диққатини жалб этганини бу катта маданий ёдгорликларнинг тарихий ва илмий аҳамиятининг жаҳон илм-фани зукколари томонидан эътироф этилиши деб баҳоламоқ жоиздир. «Шажараи турк» Қозон шаҳрида 1825 йилда Румянцев, 1854 йилда Саблуков, 1871 йилда эса П.И.Демезон томонидан нашр этилган. П.Н.Демезон бу асарни 1871-1874 йиллар орасида француз тилига таржима қилади. Асарнинг бу таржимаси орқали Абулғозийнинг номи фақат Франциядагина эмас, балки Англия ва Америка халқлари ўртасида ҳам танилишига ёрдам беради¹.

«Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларини илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш иши ҳам яхши йўлга қўйилганлигига гувоҳ бўламиз. XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб тарихчилар бу икки асар тадқиқоти устида жиддий шуғуллана бошладилар. 1938 йилда чоп этилган «XVI-XIX асрлар туркман тарихининг манбалари ҳақида мунозаралар» ва ундан йигирма йил кейин нашр этилган «Ўрта Осиё тарихидан очерклар» номли монографик ишларда Абулғозийхоннинг

² Абулғозий. Кўрсатилган манба. 11-б.

³ Вамбери Ҳ.А. История Бухары или Маварауннахра. Том I, Москва 1994, 115-б.

¹ Худойназаров Ҳ. Кўрсатилган манба. 7-б.

тарихшунос олим сифатидаги фаолиятига катта баҳо берилади. 1950-1970 йиллар оралиғида беш мартаба чоп этилган «Ўзбекистон тарихи» асарининг деярли барча нашрларида Абулғозий Баҳодирхоннинг илмий фаолияти тўғрисида қимматли фикрлар баён этилган. Б.Ахмедовнинг «Кўчманчи ўзбеклар давлати» (Т., 1965). Қ.Мунировнинг «Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари» (Т., 1960) номли китобларида ҳам муаллифлар Абулғозийхон асарларига тез-тез мурожаат этганликларини кўрамыз. К.Юсупов 1950 йилда «XVII асрлар биринчи ярмида Хоразм хонлиги ва Абулғозий» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу иш Абулғозийхоннинг шоҳ сифатида Хоразм салтанатида тутган ўрни ҳамда олим сифатида яратган икки тарихий асари тадқиқотига бағишланган дастлабки илмий иш эди. Шунингдек, машҳур тарихчилар Я.Ғуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» ва М.И.Йўлдошевнинг Хоразмдаги уруғларнинг таркиби ва тузилишини ўрганишга бағишланган тадқиқотлари учун Абулғозийнинг асарлари асосий ва ишончли илмий манба вазифасини ўтаган.

Абулғозийхоннинг асарларини адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш 1960 йиллар арафасида бошланди. 1957 йилнинг июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Бутуниттифок шарқшуносларининг биринчи илмий-назарий анжуманида «Хивалик Абулғозийхон асарлари –ўзбек адабиёти ва тилининг ёдгорлиги сифатида» деган мавзуда маъруза қилинди.

Адабиётшунос Олим Шарафидинов томонидан Ватан урушигача тайёрланиб нашрга топширилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» (китоб 1945 йилда нашр этилган - т.б.)нинг иккинчи жилдида «Шажараи турк» асари ҳақида қисқача маълумот берилади. Асардан айрим намуналар келтирилади. Абулғозийхон тўғрисида қуйидаги маълумот қайд этилади: «Абулғозий Баҳодирхон бинни Араб Муҳаммад ўзбек хонлари ичида Бобурдан кейинги муҳим шахсдир. Унинг маданият тарихида қилган ишлари улуг»¹.

¹ Ўзбек адабиёти хрестаматияси. Тошкент, 11 том, -1945,-531 б.

1944 йилда А.И.Абражеев “Шажараи турк” асарининг адабий аҳамияти” мавзусидаги номзодлик ишини ҳимоя қилди. Олим «Шажараи турк»нинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини тадқиқ этишга биринчилардан бўлиб қўл урди. М.Юнусовнинг «XIX аср шоири Комил Хоразмий ижодиёти» номли номзодлик, В.А.Абдуллаевнинг «XVII-XVIII асрларда Хоразм ўзбек адабиёти» мавзуидаги докторлик, Ҳ.Кўрўғлининг «Ўғузларнинг қаҳрамонлик эпоси» мавзуидаги докторлик диссертацияларида Абулғозийхоннинг икки тарихий асари таянч илмий манба сифатида хизмат қилган¹. Адабиётшунос Ҳалим Худойназаров Абулғозий Баҳодирхоннинг адиб сифатидаги фаолияти хусусида тадқиқот ишларини олиб борди. Бу соҳада номзодлик ишини ҳимоя қилди. Ишнинг мазмуни рисола тарзида чоп этилди. Унинг 1993 йилда «Шажараи турк» ва унинг ўрганилиши», 1994 йилда эса «Абулғозий Баҳодирхон тарихчи ва адиб» номли рисолалари босмадан чиқди. Муаллифнинг биринчи рисоласида «Шажараи турк» асарининг ўрганилиш тарихи ҳақида қисқача маълумот берилиб, асар яратилган даврдаги тарихий-маданий муҳит, асардаги тарихий воқеалар тасвири ва асарнинг бадиий хусусиятлари ҳамда «Шажараи турк»нинг бадиий услуби сингари масалалар тадқиқ этилган. Унинг иккинчи китобида эса Абулғозийхоннинг олим сифатида фаолиятига баҳо берилади.

Абулғозийхоннинг асарлари шарқшуносларнинг ҳам диққатини тортган. 1958 йилда академик А.Н.Кононов «Шажараи тарокима» асарини рус тилига таржима қилди ва танқидий матнни нашр эттирди. Олимнинг асарда ёзган сўзбошисида «Шажараи тарокима» асарининг ўрганилиш тарихи умумий обзор қилинади. А.Н.Кононов тилшунослик нуқтаи назаридан асарнинг ўзбек тили тарихида тутган ўрни ва аҳамиятига юксак баҳо берди.

1959 йил Москвада шарқшунос олим А.М.Шчербакнинг «Ўғузнама» ва «Муҳаббатнома» деб номланган асари чоп этилди. Асарда Абулғозийхоннинг «Шажараи турк» асарига ҳам катта ўрин берилди. А.М.Шчербак Ўғузхоннинг афсонавий тарихини ёритувчи қўлёзмаларнинг турли хил вариантларини бир-бирига

¹ Худойназаров Ҳ. Кўрсатилган манба. 12-б.

қиёслаб, булар орасида энг кўп тарқалгани, аҳамиятлиси ва қадимгиси Абулғозийхоннинг «Шажараи турк» асарида келтирилган вариант эканлиги хусусида муҳим хулосага келади. Монографиянинг «Ўғузнама вариантлари», «Ўғузнаманинг мазмуни ҳақида», «Афсонанинг тили ва ёзилган жойи», «Афсонанинг тили ва қадимги ўзбек-қарлук-уйғур тилларининг ўзаро алоқадорлик муаммоси» номли бўлимларида «Шажараи турк»нинг тилига оид қимматли мулоҳазалар баён этилган.

Таниқли туркшунос С.И.Иванов Абулғозийхоннинг «Шажараи турк» асари бўйича узоқ йиллар тадқиқот ишларини олиб борди ва ана шу тадқиқотлар натижаси сифатида «Абулғозийнинг «Шажараи турк» асари» («Родословное древо трюк Абулгазихана») номли монографияси юзага келди. Китоб 1969 йилда Тошкентда нашр этилди. 1970 йилда эса С.И.Иванов «Абулғозий Баҳодирхоннинг Шажараи турк» асарида феъл ва исм» мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олимнинг монографик ишида «Шажараи турк» асари тилининг грамматик қурилиши ҳозирги тилшунослик фанининг ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда таҳлил қилинади.

Абулғозийхон нафақат адиб ва тарихчи, балки етук тилшунос ҳам бўлган. У араб, форс, хитой, мўғул тилларини яхши билган. Жумладан, тарихий асарларида турли топонимлар, антропонимлар, гидронимлар, этнонимлар этимологияси ҳақида сўз юритиб, уларнинг турли тиллардаги номланишини ҳам қайд этади.

Абулғозий Баҳодирхоннинг тилшунос олим сифатидаги фаолияти ҳақида ўзбек тилшунослигида айрим кузатишлар олиб борилган. Шундай ишлардан бири Қаюм Каримовнинг «Абулғозийнинг тилга оид баъзи қайдлари» номли мақоласидир¹. Олим ушбу мақолада Абулғозийхоннинг тарихий асарларида учровчи айрим сўз ва атамаларга берган изоҳи ва шу изоҳлар асосида тилшуносликнинг фонетика, лексикология ва морфология соҳасидаги қарашлари ҳақида баҳс юритади. Қаюм Каримов Абулғозийхон изоҳлаган сўз ва атамаларни Маҳмуд

¹. Каримов Қ. Абулғозийнинг тилга оид баъзи қайдлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987. 53-57-б.

Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари билан қиёслаб тадқиқ этади. Бу эса Абулғозийхон томонидан таснифланган сўз ва атамаларнинг фонетик ва морфологик таркибида қандай ўзгаришлар юз бергани ҳақида муҳим хулосалар чиқаришга асос беради. Олим мақола сўнггида қуйидагича хулосага келади: «Унинг (Абулғозийхоннинг - т.б.) лингвистик ва лексик-семантик қайдларининг барчасини ҳам тўғри деб бўлмайди: баъзи сохта этимологияга асосланган, грамматик жиҳатдан нотўғри изоҳлар ҳам мавжуд. Лекин булардан қатъий назар, бир қатор таҳлил ва изоҳлари лексикология ва морфология ҳамда фонетика тарихи учун қимматли материал бўла олади»¹.

Профессор Абдуҳамид Нурмоновнинг «Ўзбек тилшунослиги тарихи» номли ўқув қўлланмасида ҳам Абулғозийхоннинг лисоний қарашларига алоҳида ўрин берилган. Олим Абулғозий Баҳодирхоннинг сўзлар этимологияси ҳақидаги қайдлари ҳақида тўхталади. Шунингдек, Абулғозийхоннинг кўп тилни билувчи олим эканлигини таъкидлаб, хонликлар даври ўзбек тилшунослигида «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарлари муҳим ўрин тутишини эътироф этади.

Кўринадики, Абулғозий Баҳодирхоннинг тарихий ва адабий манба сифатида олимлар томонидан эътироф этилган ва етарлича тадқиқ қилинган икки асарида учровчи тилшуносликка оид маълумотларни алоҳида тадқиқ этиш эҳтиёжи бор. Шунингдек, бу асарларда чоғиштира тилшунослик учун ҳам муҳим маълумотлар мавжуд бўлиб, Абулғозийхоннинг бу соҳадаги илмий қарашлари ҳали тадқиқ этилганича йўқ. Умуман олганда, Абулғозийхоннинг тилшунос олим сифатидаги фаолиятига ҳали етарлича баҳо берилмаган. Ушбу мўъжаз ишда Абулғозий Баҳодирхоннинг ана шу соҳадаги фаолиятига баҳо беришга интилдик.

¹ Каримов Қ. Абулғозийнинг тилга оид баъзи қайдлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987. 54-б.

АБУЛҒОЗИЙ БАҲОДИРХОН - НОМШУНОС ОЛИМ

Қаюм Каримовнинг мақоласида Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» номли асарлари «насрий тил ёдгорлиги сифатида ҳам аҳамиятли эканлиги» қайд этилиб, бу икки асарнинг «филологик аҳамияти шундаки, улар афсонавий ва ривоявий маълумотлар билан бир қаторда мақол, матал, нақл ва ҳикматли сўзлар, баъзан эса шеърий парчалар ҳам анчагина учраб туриши» таъкидланади¹. Дарҳақиқат, «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларида Абулғозийхон бир нечта жой номлари (топонимлар), шахслар ва уларнинг лақаблари номлари (антропонимлар), уруғлар ва халқлар номлари (этнонимлар), мансаб ва унвон номлари ҳамда айрим ҳодисалар номлари этимологияси ҳақида фикр юритар экан, уларнинг номланишига асос бўлган предмет, белги, хусусият ва ҳолатларга асосий эътиборни қаратади. Шундан келиб чиқиб уларнинг этимологиясини ёритишга ҳаракат қилади. Ана шундай ўринларда Абулғозийхоннинг тилшунос - номшунос олим сифатидаги илмий қарашлари ва салоҳияти яққол кўзга ташланади.

Юқорида қайд этилган тил ҳодисаларининг номланиши юзасидан Абулғозийхоннинг ҳамма фикрлари илмий асосга эга деб айтиш кийин, албатта. Зеро, Абулғозийхон жой, дарё, сой, шахс ва уларнинг лақаблари ҳамда уруғ ва халқлар номларининг юзага келишида асос бўлган ёки асос бўлиши мумкин бўлган ривоятларга катта эътибор бергани кўринади. Бу эса номнинг яралишига хизмат қилган ҳақиқат ва ривоятни тўғри ажратиб олишни тақозо этади. Шундай бўлса-да, Абулғозийхоннинг тилшунослик соҳасида ўз қарашига эга бўлган олим эканлигини эътироф этиш керак деб ўйлаймиз.

Қуйида Абулғозий Баҳодирхоннинг айрим сўз ҳамда атамаларга берган изоҳи ва шу асосда унинг тилшуносликнинг лексикология ва ономасиология соҳаларидаги хизматлари, илмий қарашлари тўғрисида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

¹ Каримов Қ. Кўрсатилган манба. 54-б.

АБУЛҒОЗИЙ БАҲОДИРХОН ИЗОҲЛАГАН ТОПОНИМЛАР

Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида кўплаб топонимлар келтирилган бўлиб, олим уларнинг этимологияси хусусида ҳам қимматли маълумотлар берилади. Масалан, асарда изоҳланган **Арканакун**, **Ғубалиғ**, **Қутлуғ балиқ**, **Мовбалиғ**, **Хончингули** сингари топонимлар шулар жумласидандир.

Арканакун топоними хусусида китобда қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Ул ерга Арканакун от қўйдилар. Аркананинг маъноси тоғнинг камари темак бўлур. Куннинг маъноси тез ва ўткур темак. Тоғнинг қири эди¹.”

Ушбу жой номи изоҳидан кўринадики, Арканакун жой номининг юзага келишида ўтқир учли тоғнинг шу жойда мавжудлиги асос бўлган. Мўғул тили истилоҳи ҳисобланган *Аркана* тоғнинг камари маъносини берса, *қун*нинг маъноси «ўтқир», «учли» маъноларига тўғри келади. Бу жой номини Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларидаги Камар, Камарли сингари номлар билан қиёслаш мумкин.

Ғубалиғ//Ғубалиқ топонимлари хусусида асарда шундай маълумот келтирилади: “Ул вақтда Афросиёб наслидин Баласоғун теган шаҳрда бир хон бор эрди. Илк, фақирроқ киши эрди. Ул шаҳрни мўғул Ғубалиқ дер. Ғунинг маъноси *яхши* ва *балиқ*нинг маъноси *шаҳр*. *Яхши шаҳр* темак бўлур².”

Тилшунос Қажом Каримов Абулғозийхоннинг бу изоҳи тўғрисида қуйидаги мулоҳазали фикрларни баён қилади: «Ғубалиқ сўзининг изоҳи шу жиҳатдан аҳамиятлики, Баласоғун (бошқа номлари Кузурду, Кузулуш) шаҳарнинг ўрни, гарчи бу ҳақда бир қатор тахминий фикрлар айтилган бўлса ҳам, аниқ маълум эмас. Мўғуллар Баласоғунни Ғубалиқ (яхши шаҳар) номи билан атаган экан, демак, мўғул ва хитой манбаларидан шу икки шаҳар ҳақидаги маълумотларни қидириш ва шу йўл билан Баласоғуннинг ҳақиқий ўрнини аниқлаш учун янги материалларни қўлга киритиш мумкин бўлар»³.

¹ Абулғозий. «Шажараи турк», 29-б.

² Абулғозий. Кўрсатилган манба, 37-б.

³ Каримов Қ. Кўрсатилган асар, 55-б.

Асарда Қутлуғ балиғ Чингизхон томонидан қўйилган ном сифатида қайд этилади: «Чингизхон Зарнуқнинг отини Қутлуқ балиғ қўйди, яъни мирак шаҳр бўлур»¹.

Зарнуқ қалъасининг Қутлуғ балиғ//Қутлуғ балиқ деб номланиши тўғрисида Абулғозийхон қуйидаги воқеа сабаб бўлганини ёзиб қолдирган. Чингизхон Ўтрордан Бухоро сари йўлга чиққанида эрта тонгда Зарнуқ қалъасига етиб келади. Қалъа ичидагилар беҳисоб лашкарни кўриб, қалъа дарвозаларини мустаҳкамлаб, мудофаага тайёрлана бошлайдилар. Чингизхон қўшинида Ҳожиб деган бир мусулмон донишманд киши бор эди. Чингизхон уни қалъа аҳли ҳузурига элчи қилиб жўнатади. Ҳожибнинг саъйи ҳаракати билан Зарнуқ қалъаси мудофаачилари қалъа дарвозаларини очиб, Чингизхонни катта инъомлар билан қарши оладилар. Чингизхон Зарнуқ қалъасининг жангсиз таслим бўлгани ва ўзини катта инъомлар билан қарши олганини кўриб беҳад хурсанд бўлади ва қалъага Қутлуғ балиқ деб ном қўяди.

Мовбалиқ жой номи ҳам Чингизхон томонидан қўйилгани эътироф этилади. Бу ҳақда асарда қуйидагилар ёзилган: «... Чингизхон ул қалъанинг отини *Мавбалиғ* қўйди, яъни ёмон қалъа темак бўлур»².

Чингизхон қўшини билан Бомийон қалъаси халқи ўртасидаги жангда Чингизхоннинг ўғлига ўқ тегиб ҳалок бўлади. Абулғозийхоннинг ёзишича, «ул ўғлонни Чингизхон ажойиб севар эди». Бу ҳолни кўрган хон қўшинга қарата қалъага ёпишинглар ва қалъадаги катта-кичик, эр ва хотин, яхши ва ёмон ҳаммасини битта қўймай қиринглар, ўлдиiringлар деб буйруқ беради. Шу тариқа қалъа қўлга олинади ва ер билан яксон қилинади. Чингизхон бу хосиятсиз қалъани жуда ёмон кўриб қолади ва унга *Мовбалиқ* деб ном қўяди. Мўғул тилида *мов* «ёмон» деган маънони ифодаласа, *балиғ* «шаҳар» демакдир.

Хончунгили номи асарда қуйидагича зикрланган: «... Ўғли кеча юриб тонгла бир берк қамишнинг ичинда бора эрди, бир чунгил сув учради. Ул вақтдин бери ани *Хончунгили* дерлар. Бурлу қири бирлан Қўйғунинг орасида бўлур»¹.

¹ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 24-б.

² Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 71-б.

¹ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 139-б.

Бу номнинг юзага келишида Юнусхон ва унинг ўғли Қосим султон билан боғлиқ воқеа сабаб бўлгани қайд этилади. Ота-ўғил Хожимхондан қочаётганларида Қосим султон қоронғуда отасидан ажралиб қолади. У ҳолдан тойиб қамишзор ичидаги бир кичик чашмага дуч келиб қолади. Чашманинг номи шундан сўнг Хончунгили деб номлана бошлайди.

ЭТНОНИМЛАР ҲАҚИДАГИ ҚАЙДЛАР

Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» тарихий асарлари бевосита туркий халқлар шажарасига бағишланган бўлиб, кўпгина туркий шажара номларининг юзага келиши тўғрисида қимматли маълумотлар қайд этилади. Олим томонидан изоҳланган шажара истилоҳларини тилшунослик фани, шу жумладан, туркий этнонимлар тадқиқоти учун қимматли ва ишончли манбалардан бири сифатида қайд этиш мумкин. Қуйида ушбу асарларда зикрланган халқ, элат, қабила ва уруғ номлари ҳамда изоҳлари хусусида тўхталамиз. Зеро Абулғозий Баҳодирхон асарларида қипчоқ, халаж, арлат, керайит, ўрманқит, уйғур, уймовут, тўрғавут, керайит, қиёт, қарлиқ ва бошқа қатор этнонимлар хусусида қимматли маълумотлар келтирилади.

Қипчоқ этноними тўғрисида қуйидаги маълумотларга дуч келамиз. «Хон айди: Мунинг отаси бизнинг олдимизда ўлди. Ғамхўри йўк», теб. Ўғул ўкунди, отини *Қипчоқ* қўйди. Қадим турк тилинда *ичи қўш ёғочни* қипчоқ дерлар эркандур. Анинг учун ул Ўғлон ёғоч ичинда туғди деб, отин Қипчоқ қўйдилар. Бу вақтда ҳам ичи қўш ёғочни қипчоқ дейтурурлар»².

Абулғозийнинг изоҳидан маълум бўладики, қипчоқ атамаси икки маънони ифодалаган. Қадимги турклар ичида ёриғи бор ёғочни шу ном билан атаганлар. Шундай жойда дунёга келган болага Қипчоқ деб ном қўйилган. Шахс номи кейинчалик сўзнинг учинчи лексик маъносини юзага келтирган, яъни Қипчоқ деган шахсдан тарқалган авлодлар номи ҳам қипчоқ деб юритила

² Абулғозий. *Кўрсатилган манба*. 21-б.

бошлаган. Шу тарика уруғ номи – этноним пайдо бўлган. Шу ўринда қуйидаги мулоҳазали фикрни айтиб ўтишни ўринли деб биламиз. Абулғозийхон томонидан зикр этилган ва изоҳланган этнонимларнинг аксарияти бевосита бирор шахс номига бориб тақалади. Унинг ёзишича, ҳозирги туркий қавмлар деб юритилаётган номларнинг аксарияти шу тарзда мўғулларнинг ёки турк халқининг тарихий, айрим ҳолларда афсонавий шахслар номига бориб тақалади.

Қалач этноними хусусида қуйидагиларни ўқиймиз: «Хотунум ҳамила эрди, туғурди. Очлик сабабиндан онасининг сути ўғлонга етишмади. Кела турур эрдим, сувнинг ёқасинда кўрдимки, бир шағал бир қирғовулни олди. Яғоч бирлан шағални урдим эрса, қирғавулни ташлаб қочди. Ани олиб кабоб қилиб, хотунумга бериб туриб эрдим, сўнгда қўйғон кишиларингиз йўлуқуб, олиб келар. Хон ул факрға от ва озук ва мол бериб, бу черикка бормағил теб: «Қол, оч!»-теди. Барча Қалач эли шул кишининг наслидин турурлар». Ани бу вақтда Халаж дейтурурлар.¹

Тилшунос Қаям Каримов Абулғозий Баҳодирнинг Қалач атамаси тўғрисидаги қайдлари Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асаридаги изоҳ билан айнан бир хил эканлигини таъкидлайди². Лекин Маҳмуд Кошғарий қалач сўзини изоҳлаш мақсадида бошқа бир ривоятни келтиради. Бу ривоят анча катта бўлиб, унинг қисқача мазмуни қуйидагича: Искандар Зулқарнайн бостириб келаётганини эшитган туркий халқлардан бирининг шу исмли хони ўз қавмига мурожаат қилиб, Шарққа кўчиб кетишни маслаҳат берибди. От-улови бўлмаган йигирма икки оила эса ўз жойида қолибди. Бу оилага яна икки оила келиб қўшилибди. Улар ўзаро, Искандар ўтиб кетади, бу ерда қолмайди деб маслаҳатлашибдилар. Йигирма икки оила келиб қўшилган икки оилага: «Қалач!» дебдилар, яъни шу ерда қолинглар, оч бўлсанглар ҳам деб айтишибди. Бу тўғрида «Девону луготит турк»да қуйидагича изоҳ мавжуд: «Қалач – шу ерда турунлар, оч қолинглар демакдир. Сўнг улар халаж деб айтилганлар, халажларнинг асли шудир, улар икки қабиладур»³.

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба. 23-б.

² Каримов Қ. Кўрсатилган манба. 54-б.

³ Кошғарий М. Девону луготит турк, уч томлик. III т., Т., 1963, 421-422-б.

Қалач атамасининг пайдо бўлиши тўғрисида икки олим бири-бирдан фарқ қилувчи икки ривоятни келтирсалар ҳам, сўзининг тилда воқеланиши, яъни номнинг юзага келиши ва сўз таркибида юз берган фонетик ўзгаришлар бир хилда изоҳлангани шундок кўриниб турибди.

Арлат этноми ҳақида Абулғозийхон қуйидагиларни ёзади: «Иккиланчи ўғли *Арлат*. Анинг маъноси *отанинг севар ўғли* темак бўлур. Арлат бир кишининг оти турур. Анинг отаси кўп севар эрди. Анинг учун Арлат тедилар. Барча арлат эли анинг насли турур»⁴.

Бу этнонимнинг юзага келишида ҳам шахс номи, яъни антропоним асос бўлиб хизмат қилган. Демак ўша давр тилида Арлат – шахс номи, кейинчалик қабила ёки уруғ номи сифатида истёъмолда бўлган. Этнонимнинг пайдо бўлиши кейинги давр маҳсулидир, яъни антропозтнонимдир.

Кирайт этноними хусусида эса қуйидаги маълумотлар келтирилади: «*Кирайт*нинг маъноси *қора буран* темак бўлур. Бир кишининг етти ўғли бор эрди. Шундан туқғанлариға кирайтлар тедилар»¹.

Изоҳдан маълум бўладики, кирайт мўғул истилоҳидаги сўз бўлиб, туркий тилда «қора танли», «қора киши» маъноларига тўғри келади. Қора рангли кишиларни Абулғозийхон кирайтлар деб изоҳлайди.

Ўрманқит этноними ўрмон ичида яшовчи кишиларга нисбатан қўллангани ҳақида маълумотлар келтирилади: «Бу элнинг юртлари қалин яғочнинг ичинда турур. Анинг учун *ўрманқит* от қўйдилар. Ўрман ичида кўп ўлтурған учун онларға ҳам *ўрманқит* от қилиб турурлар»².

Ўрманқит атамаси ўрмонда яшовчи аҳолига нисбатан қўлланилаётгани кўриниб турибди. Ўрманқит атамаси таркибидаги *қийқут* компоненти англатган маъно ҳақида Абулғозийхон *Идиқут* сўзининг изоҳида тўхталиб ўтади: «Жонни турк халқи кут дер. Бир кишига айтурлар ким отинг ва ё тўнунг қутли бўлсун. Жонли темак бўлур. Иккисининг жони бўлмаса, ул нечук

⁴ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*. 40-б.

¹ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 36-б.

² Абулғозий. *Кўрсатилган манба*. 32-33-бет

муборак бўлур эди. Қут, яъни барчага халқ жонини юборган киши турур, темак бўлур. Бу вақтда ўзбек эрклик киши дей турур, иккисининг маъноси бир бўлур»¹.

«Қадимги туркий лугат» (ДТС)да ҳам қут — «душа», «жизненная сила», «дух»² тарзида изоҳланган.

Турғавут этнонимининг пайдо бўлиши хусусида қуйидаги маълумотлар келтирилади: «Турғавутнинг маъноси ари ёқ темак бўлур. Мўғул юртининг нариги четини Саланга дерлар. Бу эллар Саланганинг ул юзинда ўлтирурлар эрди. Анинг учун *тўрғавут* тедилар»³.

Изоҳдан кўринадики, дарё, сой ёки жарликнинг нариги ёғи, нариги томони мўғул тилида турғавут атамаси билан ифодаланган. Этноним англатган маъно ҳам «нариги ёқ», «нариги томон»да турувчиларга тўғри келади.

Уйғур этноними хусусидаги маълумотлар анча мукаммал ва кенгдир: «...Ўғузхон тақи бу сўзни эшитгандин сўнг элга киши юборди. Отам черик тортиб мени ўлтурғали кела турур. Мени теган менга келинг, отамни теган отамга боринг, теб. Элнинг кўпи Қорахонга борди. Озроқи Ўғуз қотиға бордилар. Қорахоннинг иниларининг кўп ўғлонлари бор эрди. Онларни Қорахондин айрилур деб ҳеч кимнинг кўнглига келмас эрди. Онларнинг барчалари Ўғузхон қотиға келдилар. Ўғузхон онларға *уйғур* от кўйди. Уйғур туркий тили турур; маъноси барчаға маълум турур, ёпишғур маъносида турур. Айтурлар сут уянди. Сут эканинда бир-биридин айрилур эрди. Қатик бўлғандин сўнг бир-бирига ёпиша турур. Тақи айтурларким, имомға уйдум. Имом ўлтурса турур, турса тура турур. Пас ёпишқани бўлмасму?»⁴

Асарнинг бошқа бир ўрнида ҳам бу факт айнан такрорланади. «Уйғурнинг маъноси ёпишқур темак бўлур. Айтурлар сут уюди. Сут эрканинга бир-биридан айрилур. Уйғандин сўнг айрилмас. Уюди, яъни ёпушти»⁵.

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба. 32-33-бет.

² Древнетюркский словарь. Л., 1969. 471-б.

³ Абулғозий. Кўрсатилган манба. 35-б.

⁴ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 20-б.

⁵ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 32-б.

Ўймавут этноними хусусида қуйидагилар битилган: «Бу вақтда ани Ўймавут дей турурлар. Барча ўрмавут уруғи ул кишининг насли турур»¹.

Бу уруғ номининг асл шакли ўрмавут бўлиб, кейинги тараққиёт натижасида сўз таркибида фонетик ўзгариш юз берган, биринчи бўғиндаги ундош ўзгарган: ўрмавут - уймавут.

Қиёт этноними қаён сўзидан келиб чикқани, унинг кўплигини англатиши хусусида маълумотлар келтирилади: «Қаён авлодиға қиёт тедилар. Нукуз авлодина икки от қўйдилар. Бир нечасина нукузлар тедилар ва бир нечасина дурулган тедилар. Қаённинг маъноси селики тоғдин куч бирлан йилдам қуйиға келгай. Элхоннинг ўғли кучли тез киши эрди. Анинг учун Қаён дерлар эрди. Қиёт Қаённинг жамъи турур»².

Муаллиф изоҳидан кўринадики, қиёт сўзининг маъноси кучли сел оқими тушунчаси билан бевосита боғлиқдир. Ҳодиса-ҳолатдаги шу белги шахс характеридаги тезлик (жаҳлнинг тез келиши) билан ўхшатилади, қиёсланади.

Қарлиқ ўзбек халқ этнонимида катта ўринда туришини яхши биламиз. Бу этноним хусусида асарда қуйидагиларни ўқиймиз: «Хон ҳукм қилди: Ул жамоатға Қорлиқ тесунлар, теб. Барча қарлиқ эли онларнинг наслидин турур»³.

Абулғозий Баҳодирхон қарлуқ этнонимининг пайдо бўлиши тўғрисида Ўғузхон билан боғлиқ қуйидаги воқеани нақл қилади. Ўғузхон Тошкент, Самарқанд, Сайрам, Андижон, Бухоро, Балх шаҳарларини енгиб, қўлга киритгандан сўнг Ғур вилояти устига юриш қилади. Қиш вақти эди. Ғурнинг тоғларида қор кўп тушиб, лашкарнинг ҳаракатланиши ғоятда мушкуллашади. Хон ҳукм қиладики, «ҳеч киши мендин қолмасун». Шу тарзда лашкар Ғур вилоятига етиб боради ва бу вилоятни ҳам қўлга киритади. Бу воқеа ёз ойларига тўғри келади. Хон лашкарларининг ҳисобини олишни буюради. Бир нечта лашкар сони камлиги билинади. Хон уларни суруштиради, лекин ҳеч ким аниқ бир гап айта олмайди. Бу воқеадан анча вақт ўтгач, йўқолган ва бедарак кетганлар хон хизматига етиб келадилар. Уларнинг айтишларича, қор бўронида

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба. 39-б.

² Абулғозий. Кўрсатилган манба. 29-б.

³ Абулғозий. Кўрсатилган манба. 22-б.

улар йўлдан адашиб тунни тоғ орасида ўтказадилар. Уларнинг отуловлари ҳалок бўлади, ўзлари пиёда қоладилар. Натижада баҳор келишини кутадилар ва баҳор келгач пиёда йўлга тушиб хон хизматига етиб келадилар. Хон бу жамоатни қорлик (қарлик) десунлар деб ҳукм қилади. Уларнинг авлоди ана шу ном билан аталади.

Абулғозий қарлик этноними қорлик сўзи асосида келиб чиққан дея изоҳлайди.

Турқақ тарихий этноними ҳақида қуйидагича маълумотлар келтирилади: «Сўнгаки маълум эрмас, қайси туркдин эркани. Маъноси *соқчи* темак бўлур. Подшоҳлар ўзларини сақлатмоқ учун бир неча кишини таъйин қилур эрди. Онлар келиб эшиқда ётқонда навбат бирлан ўлтирур ва навбат бирлан ухларлар эрди. Ўлтурғонлари табл ва ёки ёғочни қоқарлар эрди, то душман келганда билгай. Соқчиларнинг ўйғоқ эрканин ухламай ўлтурганига айтур эрди, менинг навбатим бўлди. Эмди сен турқақ, теб. Ул сабабдин подшоҳни сақлагон кишиларга турқақлар дер эрдилар»¹.

Ўтмишда подшоҳлар саройига соқчилик хизматини қилувчи алоҳида бир қавм бўлганки, улар Абулғохийхоннинг қайдига кўра туркий тилда турқақ атамаси билан номланган. Уларнинг авлодлари турқақлар дейилган. Даставвал соқчи маъносида қўлланган ушбу атама кейинчалик уруғ номи сифатида ҳам истеъмолга ўтган. Соқчиларнинг авлод-аждоди шу ном билан аталган.

Қаниқли этнонимининг юзага келишида арава ва уни ясаган устани ифодаловчи сўзларнинг ўрни борлиги хусусида қайдлар учрайди: «... Арабага қаниқ от қўйдилар. Андин илгари оти-да йўқ эрди, ўзи-да йўқ эрди. Анинг учун қаниқ тедиларким, юруганда қаниқ-қаниқ қилиб овоз қилур ани ясагон кишини қаниқли тедилар. Барча қаниқли эли ул кишининг ўғлонлари турур»².

Араванинг қадимги туркий тилда қаниқ деб номланиш сабаби у юрганда чиқарадиган овоз асос бўлган деб кўрсатилади.

¹ Абдулғозий. Кўрсатилган манба. 37-38-б.

² Абулғозий. Кўрсатилган манба. 21-б.

Тақлидий сўз асосида предмет номи юзага келган. Бу предметни ясаган шахсга нисбатан қаниқли калимаси қўлланган. Касб номини ва предмет номини ифодалаган сўз маъносида яна кўчиш содир бўлиб, уруғ номини ҳам ифодалаш учун қўлланила бошланган.

Ушбу сўз Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ҳам учрайди. Луғатда *қанли* сўзига қуйидагича изоҳ берилади: 1. Устига юк ортилган икки ғилдиракли арава. 2. Қипчоқларнинг катта бир қисмининг номи. Шунингдек, «Қадимги туркий луғат» (ДТС)да *қанга*, *қанлы*, *қанлычы*, *қанлылығ* сингари бир ўзакдан ясалган сўзлар қайд этилган бўлиб, уларнинг маъноси қуйидагича: *қанга* – повозка, телега, *қанлы* – повозка, колосница, телега, *қанлы* – имя собственное, *қанлычы* – имеющий повозку, едуший на колоснице¹.

Абулғозий асарида бузуқ этноними уч ўқ сўзи асосида пайдо бўлгани хусусида маълумотлар келтирилади. *Уч ўқ* - этноним. Бу икки этнонимнинг яралиши билан боғлиқ қуйидаги ривоят «Шажараи турк»да келтирилади: «Тағи ўғлонлариға айтди (Ўғизхон - т.б.) сиз уч улуғингиз олтун ёй топиб келтурдингиз, тақи ани бузуб олиштингиз. Сизларнинг отингиз бузуқ тесунлар. Уч ўқ келтурган уч кичик ўғлини ва андин бўлгонларни бу кундин то дунё охир булғунча уч ўқ тесунлар»².

Ўғизхон талаби билан олдиндан узоқ бир масофага қўйиб келинган олтин ёй ва уч ўқни топиб келтирган ўғлонларига ана шу тариқа ном берилади. Уларнинг авлодлари ҳам шу ном билан аталиб, этнонимнинг юзага чиқиши учун асос бўлади.

¹ Древнетюрский словарь, 419-б.

² Абулғозий. Кўрсатилган манба, 24-б.

АБУЛҒОЗИЙ БАҲОДИРХОН ИЗОҲЛАГАН АНТРОПОНИМЛАР

«Шажараи турк»да бир қатор тарихий ва афсонавий шахслар ҳамда айрим лақаб-номларнинг изоҳланишига дуч келамиз. Уларнинг баъзилари ҳақида мулоҳаза юритишга ҳаракат қиламиз.

Олимнинг ушбу асарида келтирилган антропонимларнинг аксарияти пайғамбарлар номидир. Абулғозийхон пайғамбарлар номини келтириш билан кифояланмайди, балки бу номларнинг маъноси, айрим ўринларда эса этимологияси хусусида фикр юритишга ҳаракат қилади.

Шиш асарда аввало пайғамбар номи сифатида тилга олинган бўлса, кейинги ўринда номнинг маъноси ҳам келтириб ўтилади. Асарда ном қуйидагича изоҳланади: «Шишнинг маъноси Ҳайбатуллоҳ темак бўлур»¹.

Ануш Шиш пайғамбарнинг ўғли сифатида изоҳланган. Бу номнинг маъноси қуйидагича: «Анушнинг маъноси содиқ темак бўлур»².

Деббоқўйхон асарда келтирилган изоҳга кўра тарихий шахс саналади. Абулғозийхон уни «Ёфас авлодидан Тўтакнинг набираси, Аблачахоннинг ўғли», дея изоҳлайди. Алломанинг ёзишича Аблачахон «ўлар вақтинда ўғли Деббоқўйхонни ўрнида ўлтуртди. Дебнинг маъноси тахтнинг ери, боқўйнинг маъноси эл улуғи темак бўлур»³.

Олимнинг изоҳидан маълум бўладики, Деббоқўйхон антропонимининг маъноси тахт устида ўлтирган «эл улуғи», яъни «шоҳ», «хон» демақдир.

Абулғозий томонидан келтирилган антропонимлар ҳақидаги маълумотлар орасида Ўғизхоннинг набираларига катта ўрин берилганига гувоҳ бўламиз, олим бу антропонимларнинг ҳар бири англатган маъноларни ҳам келтириб ўтади. Ўғизхоннинг набиралари номи қуйидагича келтирилади: **Қай, Алқаэвли, Қораэвли, Ёзир, Ёбир, Дудурға, Ушар, Қарнақ, Бекдили,**

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба. 13-б.

² Абулғозий. Кўрсатилган манба. 14-б.

³ Абулғозий. Кўрсатилган манба. 15-б.

Қарқин, Байнандур, Бачана, Чавулдир, Жаб, Салдур, Эмар, Олійўнтли, Ургир, Игдир, Букдиз, Ова, Қиниқ.

Абулғозийхон хоннинг ўн икки нафар набираси исмлари англатган маъноларни бериб ўтади: Улардан биринчиси *Қай* бўлиб, унинг маъносини “*маҳкам*”, Алқазвли антропонимининг маъносини “*ҳар қайда ўлтурса хиргоҳ бирлан ўлтирғучи*”, Ёзир антропонимининг маъносини “*эллар оқаси*”, Ёбир антропонимининг маъносини “*олдизга ҳар нимарса учраса ани йиқар*”, Дудурга антропонимининг маъносини “*юрт олмоқни ва ани сақламоқни биликчи*”. Ушар антропонимининг маъносини “*ишини илдам ишлақчи*”, Қарнақ антропонимининг маъносини “*бўка*”, Бекдили антропонимининг маъносини “*сўзи ҳурматли*”, Қарқин антропонимининг маъносини “*ошли*”, Байандур антропонимининг маъносини “*неъматли*”, Бачана антропонимининг маъносини “*саъй қилғучи*”, Чавалдур антропонимининг маъносини “*баҳодир*”, Эмар антропонимининг маъносини “*бойларнинг бойи*”, Олайўнтли антропонимининг маъносини “*ола отли*”, Ургир антропонимининг маъносини “*яхши иш қилғучи*”, Игдир антропонимининг маъносини “*улуғ*”, Букдиз антропонимининг маъносини “*хизматкор*”, Ова антропонимининг маъносини “*мартабаси баланд*”, Қиниқ антропонимининг маъносини “*азиз*” тарзида изоҳлайди¹. Олим келтирган изоҳлар эса антропонимлар этимологиясини таҳлил этишда катта ўрин тутди.

“Шажараи турк”да Қўниққимор лақаб номи ҳам келтирилган бўлиб, ушбу антропонимнинг этимологияси қуйидагича зикрланган: «Ўрмавут уриқиндин бир киши бор эрди. Анинг уч ўғли бор эрди. Улуғининг оти маълум эрмас. Аммо йигит бўлғандин сўнг халқ Қўниққимар от қўйдилар. Қўниқнинг маъноси улуғ темак бўлур. Бу вақтда ҳам улуғ қарғани қўниқ қарға дерлар. Қимарнинг маъноси бурун темак бўлур. Ул кишининг бурни бисёр улуғ эрди. Анинг учун Қўниққимар лақаб қолди»².

Алломанинг изоҳидан маълум бўладики, бурни катта, бурни узун шахсларга нисбатан ўша даврда Қўниққимар лақаби қўлланилган.

¹ Абдулғозий. Кўрсатилган манба, 26-27-б.

² Абдулғозий. Кўрсатилган манба, 26-27-б.

Чингиз антропоними ҳақидаги маълумотлар ҳам катта илмий аҳамиятга эга: ... Бу кундин сўнг Темучин темасунлар. Чингиз тесунлар. Ер юзининг подшоҳлиқини Чингизга ва анинг ўғлонларина ва тухумина бердим теди. *Чингизнинг маъноси улуғ ва қатти* темак бўлур. Чингиз анинг жаъми турур»¹.

Абулғозий Баҳодирхоннинг Чингизхон номи тўғрисидаги қайди Темучинга бу ном у йигит бўлиб етишгандан, яъни хонлик мартабасига эришгандан сўнг қўйилган деган фикрни тўла тасдиқлайди. Ушбу сўз улуғлар, қаттиқ (мустаҳкам) кишилар сингари маъноларга эга бўлиб, улуғлар улуғи, қаттиқлар қаттиғи, мустаҳкамлар мустаҳками деб изоҳлаш тўғрироқ деб ўйлаймиз. Чингизхон номини олим Гога Ҳидоятлов океан ҳукмдори Денгизхон номи билан боғлиқ деб кўрсатади ва 1205 йилда бўлиб ўтган курултойда Темучин ўзига Денгизхон номини олишга тангри ундаётганини бош шаман эълон қилади, деб ёзади. Кейинчалик, Денгизхон номидаги биринчи товуш (ҳарф) д - ч товушига (ҳарфига) ўтади, яъни Чингизхон деб атала бошланади².

Бизнингча, Абулғозийхоннинг Чингизхон номи тўғрисидаги қайдлари ишончлироқ ва ҳақиқатга яқинроқдир.

“Шажараи турк”да Чингизхон ўғлиларининг номлари ва бу номлар англатган маънолар хусусида ҳам қимматли маълумотлар учрайди. Асарда Чингизхоннинг Жўчи, Чиғатой, Ўктой (Ўсадай), Тўлуй сингари ўғиллари номи келтирилади. Асарда бу антропонимларга қуйидагича изоҳ берилган: «...Тўрт ўғли бор эрди. Аввалғи Жўчи, иккинчи Чиғатой, учинчи Ўктой (Ўгадай), тўртинчи Тўлуй. Жўчининг маъноси *меҳмон* темак бўлур. Ўктойнинг маъноси *баланд* темак бўлур. Тўлуйнинг маъноси *ойина* темак бўлур»³.

Асарнинг бошқа бир ўрнида Жўчи исмига қуйидагича изоҳ берилган: «Чингизхон бу ўғулни кўриб хушҳол бўлуб, бизга жўчи келди теди. Мўғул тилинда Жўчи теб янги келган меҳмонни айтурлар»⁴.

¹ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 53-54-б.

² Ҳидоятлов Г. *Менинг эсонатсон тарихим*, Т., 1992, 185-б.

³ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*. 60-б.

⁴ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*. 105-б.

Чингизхон ўз ўғилларига яхши ният билан ном қўйгани кўриниб турибди. Бош фарзандига уйимга янги меҳмон келди дея Жўчи ном қўяди. Учинчи ўғлига баланд мартабали бўлсин деб Ўктой, тўртинчи ўғлига эса ойдек ёруғ ва гўзал бўлсин деб Тўлуи ном беради. Иккинчи ўғли Чигатой, унинг маъноси негадир изоҳланмайди.

Абулғозий асарида Қалжав номи шахсга қўйилган лақаб сифатида тилга олинади: «Чнгизхон ҳам эҳтиёт учун Ғазна ва Гуржистон ва Зобил ва Кобилнинг йўлларини шангўй Қутуқу ва Тақачик (Тақачак) ва Мулқа ва Ўқар Қалжавни бош қилиб ўттуз минг киши юбориб эрди. Қалжавнинг маъноси ҳазил қилғувчи темак бўлур эрмиш»¹.

Абулғозийхоннинг изоҳидан Қалжав Ўқар исмли шахснинг лақаби эканлиги англашилиб турибди. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам ҳазилкаш, қизиқчи сингари сўзлар борки, улар шўх, ҳазил-мутоибага мойил, бошқаларни гап ёки хатти-ҳаракатлари билан кулдирувчи кишиларга нисбатан қўлланилади. Қизиқчи атамаси лақаб маъносида ҳам келади: Юсуф Қизиқ каби. Ўтмишда ҳам шу тарзда қўлланиш мавжудлиги кўриниб турибдики, Ўқар Қалжав - Ўқар қизиқ деган маънога тенгдир.

Асарда Қаши шахс номи ҳам келтириб ўтилган: «...Бешинчи ўғлининг оти Қаши турур. Анинг учун Қаши от қўйдиларким, ул Тангқут вилоятини Қаши теб айтур эрдилар. Анинг учун Чингизхон Қашини олғонда бўлуб эрди. Анинг учун Қаши от қўюб эрдилар»².

Қаши антропонимининг яралишида шу номдаги топонимнинг алоҳида ўрин тутгани кўриниб турибди.

Тайши шахсга нисбатан қўлланиладиган лақаб номи бўлиб, маъноси ҳофиз: «...Анинг ўғли Қадан тайши. Қадан отли турур. Тайши хитой тили турур. Ҳофизки яхши хуш овоз куйинда бўлғай. Ани тайши дер. Ҳофиз тегани бўлур»³.

Қирилтуқ лақаб номи сифатида қайд этилади: «... Анинг ўғли Ёргутой ва лақаби қирилтуқ. Анинг маъноси кунчли сари темак бўлур. Ўзбек ош еганда томақинда турған кишини қирилди тер.

¹ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 71-б.

² Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 86-б.

³ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 45-б.

Кунилаб кўп еди тақи тамоқинда турди тегани бўлур. Қирилтук тегани қирилғучи тегани бўлур»¹.

Абулғозий ўз номининг қўйилиши хусусида ҳам маълумотлар келтиради. Муаллиф ўзига ном қўйилиши билан боғлиқ ходисаларни «Шажараи турк»да келтиради ва ўз исмининг маъносини қуйидагича изоҳлайди: «Отамиз айтибти: «Бизга бир ғазот муяссар бўлди. Мунинг йўли ва қадами муборак бўлди ва тақи мунинг онасининг жамоатини ғозийлар дерлар, ул нисбати ҳам бор деб, отимни Абулғозий қўюб турурлар»².

Абулғозий Баҳодирхон отасининг зафарли юришларининг биридан қайтганидан сўнг туғилгани учун шундай ном қўйишганини шу тарзда баён этади. Бундан ташқари, она авлоди ғозийлар деб номлангани ҳам исм учун асос бўлган.

“ШАЖАРАИ ТУРК”ДА БЕРИЛГАН МАНСАБ НОМЛАРИ

Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида мўғул хоқони Кубилай Қоон салтанатининг бошқариш тизими тўғрисида фикр юритар экан, турли тоифадаги мансаб номларини зикр этади. Бу номларнинг асосий қисми мўғулча ва хитойча бўлиб, улар туркий тиллардаги номлар билан қиёсий ўрганиш учун муҳим материал вазифасини ўтай олади. Қуйида олим томонидан зикр этилган айрим мансаб номларининг лингвистик хусусиятлари ҳақида сўз юритишга ҳаракат қиламиз.

“Шажараи турк”да келтирилишича, Кубилий Қоон Тўлихоннинг тўртинчи ўғли бўлган. Мангу Қоон вафотидан сўнг хонлик мансабига ўтирган. Унинг даври воқеалари баёнида Хонбалиқ шаҳри ободончилиги хусусида сўз юритиб, вилоят ҳокимлари мартаба-мансаби тўққизта бўлгани ва улар бир-биридан фарқ қилиши ва уларнинг ҳар бири алоҳида атамалар билан ифодаланиши келтирилади. Бу тўққиз мартабанинг номлари хитойча бўлиб, қуйидагилардир: *кинг*, *зу*, *фу*, *жу*, *кун*, *ҳин*, *чин*, *сун*. Мартабалар юқоридан пастга қараб даражаланади. Олимнинг ўзи бу хусусда қуйидагиларни ёзади: «...Аввалги мартабани *кинг* дерлар, иккиланчи мартабани *зу* дерлар. Бу аввалги мартабадин

¹ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*. 45-б.

² Абулғозий. *Кўрсатилган манба*. 167-б.

паст бўлур. Учланчи мартабани *фу* дерлар. Тўртланчи мартабани *жу* дерлар. Олтиланчи мартабани *кун* дерлар. Еттиланчи мартабани *ҳин* дерлар. Саккизланчи мартабани *чин* дерлар. Тўққизланчи мартабани *сун* дерлар. Маълум бўлсинким бу шаҳарларнинг ва ҳокимларнинг мартабаси бир-биридан паст бўлур»¹.

“Шажараи турк”да зикр этилган бу мансаб номларининг айримлари юнон ва эрон тилларида бошқа маънони ифодалашини ҳам муаллиф эътиборидан четда қолмаган. Демак, тилшуносликдаги шаклдошлик ҳодисаси Абулғозий томонидан изоҳланганини кўрамиз. Хитой тилида биринчи мартаба номини ифодалаган *кинг* атамаси юнон ва эрон тилларида мамлакат маъносини билдирган. “...Аммо Румтек ва Эронтек мамлакатни *кинг* дерлар”², дея ёзади олим.

Хитой тилида саккизинчи мартаба номини билдирувчи *чин* атамаси юнон ва эрон тилларида қасоба номини, тўққизинчи мартабани ифодаловчи *сун* атамаси эса бу тилларда кент маъносида қўлланилгани айтилади: «... қасобачаларга *чин* дерлар. Кентларга *сун* дерлар»³, дея ёзади Абулғозий.

Абулғозийнинг ушбу асарида вазир, ноиб, сипоҳсолар ва бошқа мансабларнинг хитойча номлари хусусида ҳам эътиборга молик фикрлар баён этилган. Асарда вазир ва ноиб атамалари ўрнида *чингсонг* атамаси қўлланилган: “«Тақи ҳар умароким вазирлик ва ноибликга лойиқ бўлса, анга *чингсонг* дерлар»⁴ [1:91]. Туркий тилларга форс-тожик тилидан ўзлашган ва “бош кўмондон; кўшин етакчиси, лашкарбоши” маъноларини ифода этувчи сипоҳсолар атамаси хитой тилида *тойфу* деб номланишини таъкидланади.

Бундан ташқари икки минг, уч минг кишига бошчилик қилувчи шахснинг мансаби *такиш* номи билан юритилишини хусусида маълумот келтирилади. Бу эса эски ўзбек адабий тилида

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 90-б.

² Абулғозий. Кўрсатилган манба, 90-б.

³ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 90-б.

⁴ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 91-б.

қўлланишда бўлган минг ва ундан ортиқ кишига бошчилик қилувчи мингбоши атамасига тўғри келади.

Мўғуллар вазир лавозимига тожик ёки уйғур миллатига мансуб кишиларни қўйган бўлсалар уларни *кинжон* атамаси билан номлаганлар. Бу мартабадан кичикроқ бўлган мансаб номи эса *ючанақ* деб юритилган. Ундан мартабаси кичик умаро *зучанақ*, ундан кичик бўлган мансаб номлари дарама-даража пастлашган бўлиб, *ҳамчанақ*, *самий*, *канжун*, *қанжу* сингари атамалар билан номланган.

Ўша даврда мўғул хоқонлари ўз ўрнига олтита ноиб ҳам қўйганки, бу ноибларнинг мансаб-мартабаси бир-биридан даража жиҳатидан фарқланган ва улар алоҳида атамалар билан номланиб келинган. Бу олти ноиб ҳар куни девонхонада ўлтириб шикоят билан келганларнинг арзларини эшитишган. Даъвогар ва гуноҳкорларни сўроқ қилишган. Даъвогар ва гуноҳкорлар арзи сўраладиган ер хитой тилида *лин* деб аталган.

Линга келган ёки келтирилган киши гуноҳкор бўлса, уни биринчи даражадаги ноиб ҳузурига киритилган. Ноиб унинг гуноҳларини сўраган ва сўроқ натижаларини қоғозга битиб бу хатни гуноҳкор билан бирга иккинчи ноибга юборган. Иккинчи ноибнинг ери *ўса* деб аталган. Иккинчи ноиб ҳам гуноҳкорнинг гуноҳларини сўраб, уларни қоғозга тушириб, гуноҳкор билан бирга учинчи ноибга юборган. Учинчи ноибнинг мансаб-мартабаси иккинчи ноибнинг мансаб-мартабасидан баланд бўлиб, унинг даъво сўрайдиган ери *халсун* деб юритилган. Бу ноиб ҳам гуноҳкорни сўроқ қилиб, сўроқ натижаларини дафтарга ёзиб тўртинчи ноибга юборган. Тўртинчи ноибнинг даъво сўрайдиган ери *тунжун* деб аталган. У ҳам гуноҳкорни сўраб, дафтарга ёзиб, бешинчи ноибга юборган. Унинг даъво сўрайдиган ери *руштой* деб юритилган. Лашкарларнинг иши шу ноибга қараган. Бешинчи ноиб ҳам гуноҳкорнинг яхши-ёмонини сўраб дафтарига ёзиб, олтинчи ноибга юборган. Олтинчи ноибнинг мансаби энг юқори бўлиб, элчилар, савдогарлар, ёрлик ёзиш ва муҳр босиш ишлари унга қараган. Бу ноиб ҳам гуноҳкорнинг яхши ва ёмонини сўраб, воқеа натижаларини дафтарга ёзиб, еттинчи девонхонага юборган. Еттинчи девонхона *шинақ* деб номланган ва бу девонхона олтита девондан олий даражалиги билан фарқ қилган,

унинг ноиби бошқа ноиблардан улуғ саналган. Бу девонхонада ҳам гуноҳкорнинг гуноҳлари сўралган.

Абулғозийнинг ёзишича, шинак деб номланган девонхона ҳамма шаҳарларда бўлмаган, фақат йирик шаҳарлардагина шинаклар фаолият юритган: “...Маълум бўлсинким, *шинак* ҳар шаҳарда бўлмас. Улуғ шаҳрларда бўлур”, дея ёзади муаллиф. Ҳар бир шинакда тўрт нафар ноиб хизмат қилган ва улар *чанақсанг* деб юритилган¹.

Абулғозий Кубилай Қоон ўн иккита шаҳарда шинак қилдирганини баён қилади: *Чанаққа* (мўғул тилида Хонбалик), *Чурча*, *Кўкат* (*Кўки*) ва *Бойқўбка* (иккаласи учинчи шинак сифатида қайд этилган – т.б.), *Тамкинак*, *Бинакху*, *Чанақсанг*, *Фужу*, *Лавкинфу*, *Кунгли*, *Ночи*, *Кинхонқиф*, *Камжу*.

Хитой тили атамаси саналган *шинак* ўзбек тилида қўлланишда бўлган девонхона маъносига тўғри келади. Асарда шинакларнинг манзил-мақоми хусусида қуйидагилар ёзилган: «...Ҳар шинакнинг улуғлиғи бир кент чоклик бўлур. Мунинг атрофиға чаҳор бурч девор солиб ичинда хужралар ва саройлар ва манзил ва яхши ерлар солиб девон анда ўлтуруб даъвогарнинг ва гуноҳкорнинг даъвосина ва гуноҳина сўрар»².

Асарда қадимги мўғул давлатида уйғур уруғидан бўлган мансабдорларнинг мансаб-мартабаси номлари ҳам берилган бўлиб, уларнинг маънолари кенг изоҳланган. Масалан, *қинжат* атамаси “бакавул, хон дастурхончиси”, “исмларга қўшилиб лақаб номини” ҳам англатган. Бу хусусда олим қуйидагиларни ёзади: «Буқадай Қинжат теганини чақирта юборди. Ул кишининг оти Буқадай эрди. Ўнгхоннинг баковули. Мўғул баковулни *қинжат* дер»³. Мўғуллар ўн уйғур уруғидан сайлаб қўйилган эл бошлиғини *эл-элитар* номи билан аташган. Бу атама айни пайтда тўра маъносини ҳам билдирган. *Куларкин* атамаси эса “тўққиз уйғур уруғидан сайлаб қўйилган эл бошлиғи; тўра” маъносини ифодалаган. Бу икки мансаб номи асарда қуйидагича изоҳланган: «Тақи ўн уйғур урукидан Мангутой отлик кишини тўра кўтариб, *эл-элитар* лақаб қўйдилар. Тўққиз уйғур Ўзқандар урукидин

¹ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 91-б.

² Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 91-б.

³ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 52-б.

бир кишини тўра кўтариб *Куларкин* лақаб қўйдилар. Бу иккисининг ўғлонлари юз йилгача тўралик қилдилар»¹.

Уйғурлардан ҳарбий лавозимда ўтирган шахсларга нисбатан ҳам алоҳида атамалар қўлланилганини кузатамиз. Масалан, *айдиқут* (*идиқут*) атамаси “эл бошлиғи, тўра” маъноларида қўлланилган. Бу ҳақда асардан қуйидагиларни ўқиймиз: «...Андин сўнг ҳар ким тўра бўлса, анга Айдиқут (Идиқут) тедилар. Айдининг маъноси барча билурсиз, *юборди* темак бўлур. Айтурларким йибни “Эй, юбор!” теган бўлур. Сўғир эди, яъни сутини сақламади юборди»².

“Ўн минг кишилиқ кўшин бошлиғи, туманбоши” мансабига ўтирган шахслар *туман ақаси*, “минг кишилиқ кўшин бошлиғи, мингбоши” мансабида бўлган шахс *ҳазара*, “юз кишилиқ жангчилар бошлиғи, юзбоши” мансабида бўлганлар *сад*, “ўн кишилиқ жангчилар бошлиғи, ўнбоши” мансабидагилар *дахча* номи билан аталган. Абулғозий бу атамаларни шундай изоҳлайди: «Чингизхон ўн минг кишини бир кишига топшурди. Тақи анга *туман ақаси* от қўйди ва минг кишини бир кишига топшириб *ҳазара* от қўйди. Юз кишини бир кишига топшируб *сад* от қўйди. Ўн кишини бир кишига топшируб *дахча* от қўйди»³.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *дархон*, *тархон* атамалари мўғул тилидан ўзлашган сўз сифатида “темирчи; озод киши” маъноларида қўллангани кўрсатилади ва ўзбек тилида тарихий сўз сифатида “Солиқдан ва ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинган; имтиёзли, дахлсиз (қабила, уруғ, зот ёки мансабдор)” маъноларини ифодалаши кўрсатилади⁴. Абулғозий асарида эса “солиқлардан озод қилинган шахс” маъносида қўлланган.

Булардан ташқари, Абулғозий асарида шахсларнинг яхши хусусиятлари ҳамда хон саройида тутган мавқеи ва бошқа ҳолатлар эътиборга олиниб номланган бир қатор атамаларга ҳам дуч келамиз. Улардан *қорачи* атамаси ҳақида тўхталамиз. *Қорачи* барчага баробар, холис одам маъносини билдиради: «Ул

¹ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 32-б.

² Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 32-б.

³ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 80-б.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. *Беш жилдли*. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 1+-жилд, 2006. — 569-б.

иккисининг (найман ва уйғур элининг) Ёдгорхон ўғлонларина қорачиман темаклигининг маъноси ул турур ким, яъни Қарачи яхшини ва ямонни, келурини ва кетарни, эмгаклини ва эмгаксизни ҳеч кишига тараф тутмай кўргил темак бўлур»¹.

Қарачи атамаси “Девону луғотут турк” ва “Қадимги туркий луғат”да ҳам зикр этилган бўлиб, ушбу луғатлардаги қорачи сўзи англатган маънолар Абулғозийхон изоҳланган сўз маъносига мос эмас, тамоман бошқа маънода қўлланган. Маҳмуд Кошғарий луғатида қарачы “эшикларни айланиб юрадиган гадой”² маъноси билдириши кўрсатилган бўлса, “Қадимги туркий луғат”да қарачы “наший, попрашайка”³ тарзида изоҳланган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида қадимги мўғул давлатида муомалада бўлган кўплаб мансаб-мартаба номлари хусусида илмий аҳамиятга молик маълумотлар келтирилганки, уларни ўша даврга оид тарихий асрларда қайд этилган шу соҳага оид номлар билан қиёсий ўрганиш учун муҳим манба вазифасини ўтай олади. Бундан ташқари, Абулғозий берган маълумотлар соҳа атамалари этимологиясини тадқиқ этиш учун ҳам муҳим ўрин тутди.

ҚАРИНДОШЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ АТАМАЛАР

«Шажараи турк»да бир қатор турк, мўғул, хитой, форс, тожик тилларига оид қариндошлик атамалари изоҳланган. Бу эса ўша давр туркий тилида бу атамалар қандай номланганини аниқлаш ва бу тил истилоҳларини ўзаро қиёслаш имконини беради. Ушбу атамаларнинг айримларини қуйида келтирамиз.

Ижака мўғул тилидаги сўз бўлиб, ўзбек тилида ота деган маънони англатади. Абулғозий асарида мўғул тилида етти пуштгача бўлган ота авлодлари алоҳида номланганини қайд қилиб ўтади. Улар қуйидагича:

Абукан - отанинг отаси, бобо; иккинчи ота.

Илинжак - бобонинг отаси, учинчи ота.

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 11-б.

² Кошғарий М. Девону луғотит турк., Уч томли. –Тошкент: Фан, 1963-1965. 1-том, 416-б.

³ Древнетюркский словарь.- Тошкент: Фан, 424-б.

Будату - тўртинчи ота.

Будакур - бешинчи авлоддаги ота.

Мурти - олтинчи авлоддаги ота.

Дутакун - еттинчи авлоддаги ота.

Бу ҳақда асарда қуйидагича далил келтирилган: «Мўғул отасини *ижака* дер. Анинг отаси Бартахон. Иккинчи отани *абукан* дер. Анинг отаси Қобилхон. Учинчи отани *илинжасак* дер. Анинг отаси Тумнахон. Тўртинчи отани *будату* дер. Анинг отаси Байсунқурхон. Бешинчи отани *будакур* дер. Анинг отаси Қайдухон. Олтинчи отани *мурти* дер. Анинг отаси Дутумнанхон. Еттинчи отани *дутакур* дер. То етти отагача от қўяр»¹.

Бундан ташқари асарда қариндошлик билан боғлиқ бошқа атамалар ҳам келтирилган ва уларга аниқ изоҳлар берилган:

Ушақ - сўнгак, авлод: «Ушақнинг маъноси сўнгак темак бўлур. Турк халқи бир кишидан сўрса айтур: «Ушақнинг не турур?» - дер. Сўнгакинг не турур темак бўлур»².

Бийим - манғитлар авлодидан бўлган аёлга нисбатан қўлланиладиган сўз. Ўзбек тилининг айрим шеваларида бу сўз буви маъносида ҳам қўлланилади: «Динмуҳаммадхонни эмчакдан айрилгондин сўнг Али султоннинг онаси Бийимға топшурди. Ҳар подшоҳким манғит мирзоларининг қизини олса, ани бийим дерлар эрди».¹

Кўчин - хитой тилидаги бу сўз хоқонлар хонадонига мансуб бўлган аёлга нисбатан қўлланилган: «Чингизхоннинг онасининг оти Ўлун эрди, Эка лақаб қўюб эрдилар. Бириси Ўлун эка, тақи бири Ўлун Кўчун эка. Мўғул тили турур, улуғ теган бўлур. Кўчин хитой тили, маъноси улким мўғул хотун дер. Тожик бону дер, ўзбек бойбича дер»².

Аймақ - мўғул тилидаги бу сўз туркий тиллардаги уруғ, авлод маъноларини англатади: «Бу йигирма тўртдин туғганларға аймоқ тедилар, асли умақ турур. Расм туруким, қора улуснинг барчаси сўзни бутун айта билмас, йарти айтурлар. Ушбу чокда ҳам киши бир кишидин сўрса, элингнинг ушақи не турур теб сўрар. Ушақ

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 48-б.

² Абулғозий. Кўрсатилган манба, 29-б.

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 129-б.

² Абулғозий. Кўрсатилган манба, 49-50-б.

мўғул тили турур. Бу вақтда қалмақ ҳам ушақ дей турур. Ушақнинг маъноси улуғ темақ бўлур. Туркманларнинг ўн икки юзлик ва йигирма тўрт ушақ теганларининг маъноси бу турур».¹

АБУЛҒОЗИЙ БАҲОДИРХОН - ЧОҒИШТИРМА ТИЛШУНОСЛИК НАМОЯНДАСИ

Тилнинг хусусиятларини чуқур ва изчил ўрганишда бир оилага мансуб тилларни қиёслаш ёки турли оилага кирувчи тилларни чоғиштириб ўрганиш усули катта аҳамият касб этиши аллақачон тан олинган. Тилшунос олим Босим Тўйчибоев «Бобур - тилшуносликка янги назария яратувчи» номли мақоласида ана шу ҳақда фикр юритар экан, қиёсий-тарихий тилшунослик фанининг яралиш тарихи тўғрисида умумтилшуносликда ҳукм суриб келаётган фикрларга ўз эътирозларини қуйидагича баён этади: «Бироқ бу ўринда бир ҳолатни алоҳида қайд этиш лозимки, қиёсий-тарихий тилшуносликка асос солувчи асарлар XIX асрнинг биринчи чорагида майдонга келди, деб кўрсатилади. Унинг асосчилари сифатида эса немис тилшуноси Франц Бопп (1791-1867), даниялик тилшунос Расмуск Раск (1787-1832), германиялик Якоб Гримм (1785-1863) россиялик А. Х. Востоков (1781-1864)лар тан олинади. Ваҳоланки, бу масала дастлаб XI асрнинг буюк тилшунос олими Маҳмуд Кошғарий томонидан жуда изчиллик билан амалга оширилган. У «Девону луғотит турк»да Юқори Чиндан тортиб, Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорага қадар чўзилган кенг ва катта ҳудуддаги йигирмата туркий тилларни қиёслаб ўрганади».²

Дарҳақиқат, Маҳмуд Кошғарий ўзбеклар, қozoқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, татарлар ҳамда бошқа қабила ва уларнинг содда тилларини изоҳлаб берар экан, асар муқаддима-сида қуйидагиларни ёзади: «Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чикдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки бу тиллардаги энг кичик фарқларни

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 34-85-б.

² Тўйчибоев Б. Бобур - тилшуносликда янги назария яратувчи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992, № 1, 41-б.

аниқлаш учун қилдим. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим»¹. Қомусий олим йигирмата туркий тилларни қиёсий ўрганганини ана шу тарзда эътироф этади. У бу тилларнинг фонетик, морфологик ва лексик фарқларини нозикона фарқлаб кўрсатиб беради.

Шу жиҳатдан қараладиган бўлса, Босим Тўйчибоевнинг эътирозларига асос борлиги аён бўлади. Унинг қуйидаги фикрларига ҳам қўшилмоқ ва уни қўллаб-қувватламоқ лозим деб ўйлаймиз: «Айни пайтда Маҳмуд Кошғарий дунё тилшунослигида мазкур мактабнинг (қиёсий - тарихий тилшуносликнинг - т.б.) асосчиси сифатида майдонга келмоқдаки, буни тан олмоқ, табиий, ҳам фарз, ҳам қарз»².

Босим Тўйчибоев туркийшуносликдагина эмас, балки жаҳон тилшунослигида қиёсий-тарихий тилшуносликнинг асоси, яъни пойдевори Маҳмуд Кошғарийдан бошланганлигини ҳақли равишда эътироф этадики, бу илмий хулоса қиёсий-тарихий тилшунослик тарихида туркийшуносларнинг ҳам алоҳида хизматини ҳисобга олишга ундайди. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг туркийшунослик билан боғлиқ тарихий тараққиётини алоҳида тадқиқот сифатида танлаш мумкин эканлигини кўрсатади.

Маҳмуд Кошғарийдан сўнг бу масала Алишер Навоий ҳазратлари томонидан янгича талқинда давом эттирилгани юқоридаги мақолада қайд этилган. Маҳмуд Кошғарий бир оилага мансуб тилларни қиёслаб, чоғиштириб ўрганган бўлса, Алишер Навоий икки оилага мансуб, яъни туркий тиллар оиласига кирувчи ўзбек ва эроний тиллар оиласига кирувчи форс тилини қиёслаб ўрганади. Алишер Навоий ўзи эътироф этганидек, «Муҳокаматул луғатайн» асари орқали туркий, яъни ўзбек тилининг бой ва сержило, форс тилидан ҳеч қолишмайдиган бир тил эканлигини исботлашга ҳаракат қилади. Буни илмий жиҳатдан исботлаб ҳам беради. Алишер Навоий турк ва форс тилларини қиёслаш асосида ўзининг илмий хулосаларини ҳам баён этади. Бу хулосалар чоғиштира тилшунослик фанининг назарий асосларини яратиш учун муҳим манбадир.

¹ Кошғарий М. Кўрсатилган манба. I т., 44-б.

² Тўйчибоев Б. Кўрсатилган манба, 41-б.

Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоийларнинг қиёсий-тарихий ва чоғиштира тилшунослик фанларига қўшган ҳиссалари Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг етук тилшуносларимиз томонидан ҳақли равишда эътироф этила бошланди. Масалан, Абдулҳамид Нурмоновнинг «Ўзбек тилшунослиги тарихи» қўлланмасида бу ҳақда мухтасар фикрлар баён этилди.

Босим Тўйчибоев мақоласида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тилшунос олим сифатидаги фаолиятига ҳам кенг ва атрофлича тўхталиб ўтган. Олим эътироф этганидек, Бобурнинг тилшунос сифатидаги фаолияти «унинг товушлар таҳлили, грамматик воситалар, лаҳжа ва адабий тил муносабати, услубият ва сўз маънолари ҳақидаги фикрларида ўз ифодасини топган». Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоийлардан сўнг тилшунос олим сифатида, яъни қиёсий-тарихий ва чоғиштира тилшунослик фанлари намоён-даси сифатида фаолият кўрсатгани яққол кўринади. Унинг «Бобурнома» асарида уч оилага мансуб бир неча тиллар солиштириб ўрганилгани жиҳатдан ҳам чоғиштира тилшунослик фани учун алоҳида қимматга эгадир. Босим Тўйчибоев бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Бобур тилшуносликда янги назариянинг асос-чиси сифатида майдонга чиқди»¹. Бобур томонидан қиёсланган сўзлар қуйидаги тилларга оид эди: Ҳинд-Европа тиллари оиласига мансуб бўлган икки гуруҳ - ҳинд тиллари гуруҳига кирувчи ҳинд; эрон тиллари гуруҳига кирувчи форс ва афғон; хом ва сом тиллари оиласига мансуб сом гуруҳига кирувчи араб тилларини туркий тиллар оиласига мансуб бўлган ўзбек тили билан солиштиради.

Абулғозий Баҳодирхоннинг илмий фаолиятида ҳам ана шу ҳолатни кўриш мумкин. Абулғозийхон мўғул, хитой, туркий, араб ва тожик тилларига оид бирликларни ўзаро қиёслайди. Демак, Абулғозийхон тўрт оилага мансуб тилларни қиёслаган ва шу асосда Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан ривожлантирилган чоғиштира тилшунослик фанини яна бир поғона юқорига кўтарди. Абулғозийхонни ҳам чоғиштира тилшунослик

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 49-б.

фани асосчиларидан бири сифатида эътироф этиш «ҳам қарз, ҳам фарз»дир.

Абулғозий Баҳодирхон Чингизхоннинг онаси тўғрисида фикр юритар экан, унинг номига қўшиб айтиладиган лақабга ўқувчининг диққатини жалб қилади. Айни пайтда, бу аёл номига қўшиб айтиладиган хитойча «кўчин» сўзини келтирадики, бу сўзнинг мўғул, тожик ва ўзбек тилларидаги истилоҳларини қайд этиш эҳтиёжи туғилади. Абулғозийхон буни қуйидагича изоҳлайди: «Чингизхоннинг онасининг оти Ўлун эрди, эка лақаб қўюб эрдилар. Бириси Ўлун эка, тақи бири Ўлун Қўчин эка. Мўғул тили турур. Улуғ теган бўлур. Қўчин хитой тили турур маъноси улким, мўғул хотун дер, тожик бону дер, ўзбек бойбича дер»¹.

Абулғозий Баҳодирхон Одам алайҳиссаломнинг яратилиш тарихи тўғрисидаги ривоятни келтирар экан, Одам антропонимининг этимологияси ва генезиси тўғрисида ҳам қимматли маълумотларни қайд этади. Ривоятнинг қисқача мазмуни қуйидагича. Оллоҳ Жаброил алайҳиссаломга ер юзасидан тупроқ олиб келишни буюрибди. Жаброил алайҳиссалом ердан тупроқ олиш учун келса, Ер тилга кирибди: «Тупроқни нима қиласан?» - деб сўрабди. Жаброил алайҳиссалом воқеани баён қилиб берибди. Ер: «Тангри ҳаққи мендан тупроқ олмагин», деб ёлборибди. Бунинг сабабини қуйидагича изоҳлабди. «Одам фарзандлари кўпайгандан сўнг бири кофир, бири осий, бири золим ва бири гуноҳкор бўлур. Оллоҳ уларни ғазабга олса, унинг ғазаби ва азобига тобим йўқ», дебди. Жаброил алайҳиссалом бу сўзларни эшитиб тупроқ олмай қайтиб кетибди. Оллоҳга ернинг арзини етказибди. Оллоҳ тупроқ олиш учун Мекоил алайҳиссаломни жўнатибди. У ҳам юқоридаги ҳодисотга дуч келибди ва Оллоҳга ернинг арзини етказибди. Сўнгра Исрофил алайҳиссалом жўнатилибди. У ҳам қуруқ қайтиб, ернинг арзини етказибди. Шундан сўнг Азроил алайҳиссалом жўнатилибди. Ер унга ҳам ўз арзини айтибди, лекин Азроил алайҳиссалом ерга қарата «ёлбориб онт ичишингдан Тангрининг ҳукми ортиқдир», деб тупроқни олиб Оллоҳга етказибди. У тупроқни Каъба жойлашган ердан олган экан. Шунинг учун инсоннинг жонини олиш Азроилга ҳавола

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 49 – 50 б

қилинган экан. Ана шу тупроқдан Одам алайҳиссалом яратилган эмиш.

Абулғозийхон ушбу ривоят баёнидан сўнг куйидагиларни ёзади: «Лафзи Одам араб тили турур. Ернинг қиртишини одим дер. Азроил турфақни ернинг ичиндан олмади, тақи қиртишиндин олиб эрди, анинг учун Одам тедилар лақаби Сафий оллоҳ турур»¹.

«Шажараи турк»да қиёсий ўрганилган, яъни маънолари чоғиштирилган сўзларнинг катта қисмини антропонимлар ташкил этади. Абулғозий Баҳодирхон шахс номлари ва шахсларга қўйилган лақаблар тўғрисида фикр юритар экан сўзлар англатган маънолар ҳақида мулоҳаза юритиш билан бирга, бошқа тилдаги ўриндошларини ҳам қайд этиб кетади.

Масалан, «Амнакнинг маъноси бу турурким ул вақтда мўғул тили кўп унут бўлуб кетмай эрди. Лафзи *жон* араб тили турур. Тожик *хуш* дер, Ўзбек *тин* дер. Мўғул *амин* дер. Ул Амнакнинг кофи араб анга кофи *тасғир* дер. Ул кичкина маъносина бўлур. Ўзбек ани *гина* дер. Гоҳ ердагина дер, нечукким кичик отни отғина ва кичик кишини кишигина дер. Анинг маъноси хонғина темак бўлур»².

Бу парчада ҳам бир сўзнинг тўрт тилдаги қиёси берилганини кўрамиз. Мўғул тилидаги *амин* сўзи ўзбек тилида *тин*, тожик тилда *хуш*, араб тилида *жон* сўзига тўғри келади. Абулғозийхоннинг зукко тилшунос олим сифатидаги салоҳияти шунда кўринадикки, амин сўзи асосида ҳосил қилинган *амнак* сўзи таркибидаги – *к(коф)* қўшимчаси араб ва ўзбек тилидаги сўзларга қўшилиб келиб, қандай маъно ифодаловчи сўз ҳосил бўлишига ҳам диққат қилади. Бу хусусда кейинроқ махсус тўхталамиз.

Идиқут: «Маълум бўлсинким Идиқутнинг маъноси мўғул тилинда давлатлик темак бўлур»³. Бу ерда антропонимнинг икки тилда қиёсланганини кўрамиз: идиқут хитойча, давлатлик мўғулча

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 13 – б.

² Абулғозий. Кўрсатилган манба, 116 – б

³ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 56 – б

Ахнух – шахс номи. Абулғозийхон бу антропоним сурёний тилидаги сўз эканлигини таъкидлаш билан бирга, арабларда бу ном Идрис тарзида қўлланишини қайд этади: «... ўғли Ахнухни ўз ўрнида ўлтуртиб, отаси кейнидин кетди. Сурёний тили бирлан оти Ахнух эрди. Илми диний, ҳикмат ва тибни кўб дарс айтур эрди. Ул сабабдин араб уларға Идрис теди»¹.

Чечан – шахс номи билан бирга қўлланиладиган сўз, лақаб: «Жўрат элиндин Чамука чечан теган бор эрди. Чечаннинг маъноси араб *оқил* дер ва тожик *бохадар* дер ва мўғул ва ўзбек *чечан* дер. Ақли темак бўлур»². Бу лавҳада Абулғозийхон ўзбек ва мўғул тилларида бир хил маънода қўлланилган чечан сўзини араб ва тожик тиллари билан қиёслаш асосида сўз англатган маънони ҳам изоҳлайди.

Ижака – мўғул тилида ота шу сўз билан аталади. Айни пайтда бу атама лақаб маъносида ҳам келади. Абулғозийхон ижака сўзини туркий тилдаги ота сўзи билан қиёслаганини кўрамиз: «Оти Меглик, лақаби ижака. Мўғул отасини ижака дер. Ани сийлаб барча халқ ижака дерлар эрди. Турк халқи азиз кишиларни ота дер»³. Изоҳлардан кўринадики, мўғул тилидаги ижака ва туркий тилдаги ота сўзлари ўз маъносидан ташқари ёши улуғ, катта кишига нисбатан хурмат маъносида ҳам қўлланган. Айни пайтда ўзбек тилида ота сўзи ана шундай икки маънода қўлланишга эга.

Бурчиғин – мўғул тилига оид бу сўз ўзбек тилида қўлланиладиган шахло (кўз) сўзи маъносини ифодалаши «Шажараи турк»да қайд этилади. Шу билан бирга, Абулғозийхон араб тилидаги ашҳол сўзини ҳам ана шу маънода қўлланишини кўрсатади: «Чингизхоннинг отаси Есугай баҳодир эрди. Есугай баҳодирнинг кўзи шахло эрди. Мўғул шахлони *бурчиғин* дер. Ул сабабдин Есугай баҳодирнинг насли бурчиғин қиётмиз тедилар»⁴. Асарнинг бошқа ўрнида шахло кўзли шахслар, яъни Чингизхоннинг отаси Есугай авлодлари афсонавий Аланқувага бориб тақалиши қайд этилади. Шу сабабдин юқоридаги

¹ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 14 – б.

² Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 51 – б.

³ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 50 – б.

⁴ Абулғозийхон. *Кўрсатилган манба*, 38 – б.

сўзларнинг қиёси яна бир бор қайтарилади: «Есугайнинг беш ўғли, балки наслининг кўпрағи оқ сари, кўзлари ашҳол бўлди. Мўғул ашҳолни *бурчигин* дер. Анинг учун Есугай баҳодирнинг наслини бурчуғин қиёт тедилар. Аланкува айтиб эрди, менга келиб жуфт бўлатурғон кишининг ранги оқ – сари, кўзлари бурчигин теб. Анинг айтгон сўзининг нишонаси тўкқуз орқада маълум бўлди. Бу сўзи тақи маълум бўлсин ким кишининг кўзининг бубачеки қора бўлса, оқи оқ бўлса, бубачек бирлан оқнинг орасиндағи қора қизил бўлса, араб ани ашҳол дер. Мўғул бурчигин дер»¹.

Қасар – шахс номи. Мўғулча бу ном гўшт истеъмол қилувчи ёввойи, йиртқич ҳайвон номидан келиб чиққани Абулғозийхон томонидан эътироф этилади. Шу билан бирга, сўзнинг араб, тожик тилларидаги ифодалари ҳам қайд этилади. Демак қасар сўзи тўрт тилда қиёсланади: «Отаси қўйган оти Темучин эрди. Хон кўтарганда Чингиз қўйдилар. Иккинчи Жучи Қасар, учинчи Қачун, тўртинчи Тамука, бешинчи Билгуттой ўтчикин. Жўчининг маъноси меҳмон. Қасарнинг маъноси араб ани *субуъ* дер, тожик дав дер. Тўрт оёқли жониворки этдин ўзга нимарса емагай. Масалан бўри ва йўлбарс ва қопланг».

Чанас - чана сўзининг кўплиги. Бу сўз “Шажараи турк” асарида икки тилда қиёсланади: «... Андин икки ўғли бўлди. Улуғининг оти Кандучана, кичигининг оти Улқучин чана. Эркак бўри ва ўрғочи бўри темак бўлур. Анинг ўғлонлари кўп бўлгандан сўнг чанас тедилар. Ул чананинг жаъми бўлур. Туркийси чаналар темак бўлур. Ул жамоатга бора-бора нукуз тедилар»².

Тайши - хитой тилидаги бу сўз ҳофиз деган маънони ифодалайди: «Анинг ўғли Қадан тайши. Қадан отли турур. Тайши хитой тили турур. Ҳофизки яхши овоз куйинда бўлғай. Ани тайши дер. Ҳофиз тегани булур»³.

Дўрман – мўғул тилидаги бу сўз тўрт маъносини ифодалайди. Шунингдек, Абулғозийхон бу сўзнинг улуғ номи сифатида ҳам қўлланиши қайд этади. Ва у билан боғлиқ қуйидаги

¹ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 47 – б.

² Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 45-б.

³ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 45-б.

ходисани баён этади: «Тўрт улуғи халққа кўп айтдилар» “Биз тўртимизнинг ҳар қайсимизни тўра қилсангиз розимиз, аммо кичикка рози эмасмиз», - теб. Халқ ул тўртининг сўзларини қабул қилмадилар. Анинг учун элга ўпкалаб юртдан кетиб ёт элнинг ичина бориб, ўлтурдилар. Мўғул тўртни дўрман дер. Ёт эл бу йигитларга дўрманлар деб от қўйдилар»¹.

Сукут - мўғулча сўз бўлиб юлғун маъносини беради. Абулғозийхон шахс номи сифатида қўлланган ушбу атама ҳақида сўз юритар экан, шу исмли кишининг туғилиши билан боғлиқ қуйидаги воқеани келтиради ҳамда мўғул тилидаги бу сўзнинг туркий тилда англатган маъноси ҳақида ҳам маълумот беради: «Дадак ҳамила бўлди. Хотун дадакнинг қорнина ҳар кунда урур эрди, тушсун теб тушмади. Бир кеча ярим оқшомда эркак ўғлон туғилди. Отасининг пўстининининг этакиндин кесиб олди. Тақи ўғлонни чирмаб эрнинг кийимида юлғун ичинда элтиб қўйди. Эрта отаси таҳорат синдурғали бордир эрса, ўғлон овози келди. Бориб кўрди. Ўзининг пўстинини таниди. Андин сўнг ўз ўғли эрканин билди. Тақи кўтариб онаси қотиға олиб келди. Онаси сақлади. Ўғлонға Сукут от қўйдилар. Мўғул юлғунни суқай дер. Юлғунли темак бўлур»².

Гурхон - хитойча бу сўз улуғ подшоҳ маъносида қўлланиши Абулғозийхон томонидан қуйидагича қайд этилади: «Илкни ўзина навкар қилди. Ҳукум этдиким, бу кундин сўнг ҳеч кишимни Илкхон темасун. Илк туркман тесунлар теб андин сўнг ўзини Гурхон теб лақаб қўйди. Гурнинг маъноси хитой тилинда улуғ подшоҳ темак бўлур»³.

Сайрақ - мўғулча бу сўз тожик деган маънони ифодалайди. «Тақи Чингизхон бекларина боқиб айтди: мунинчук Арслонхон теб бўлур. Бу тилдин сўнг буни Арслон сайрақ тесинлар теб хукм қилди. Мўғулнинг луғатинда тожикни сайрақ деб эрмиш»⁴.

“Шажараи турк” асарида фақат шахс ва унинг лақабларининг турли тиллардаги номланиши қиёсланиб қолмай, балки

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 41-б.

² Абулғозий. Кўрсатилган манба, 42-б.

³ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 47-б.

⁴ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 45-б.

дарё, сой, девор, черик сингари сўзлар, айрим шаҳар ва жой номлари ҳам қиёсланади.

Туркий тилдаги сой сўзи тожик тилида *кечкинруд* (кичик сой), араб тилида *водий*, мўғул тилида эса *муран* деб номланишини Абулғозийхон томонидан изоҳланган қуйидаги қайдлардан билиб оламиз: «Оқиб боратурғон улуғ сувни туркий тилинда *сой* дер. Тожик *кечкинруд* ва улуқин *рудхона* дер ва араб *водий* дер, мўғул *муран* дер. Мўғул юртининг кун туғушинда саккиз сув бўлур. Ани саккиз муран дерлар. Шул сувларнинг ораларинда ўлтурурлар эрди. Анинг барчасини келиб Айқурмуранга қўшулур. Ул саккиз сўзнинг отлари мунлар турур. Кўкмуран, Ўрмуран, Қораусун, Санбикун, Ақримуран, Ўрмуран, Жиганмуран, Жочамуран»¹. Демак, мўғул тилидаги муран ҳозирги ўзбек тилида қўлланувчи дарё атамаси англатган маънога тенг. Кўкмуран - Кўкдарё, Ўнмуран - Ўндарё, Ақримуран - Ақридарё, Ўрмуран - Ўрдарё каби туркийчада ифодаланиши мумкин.

Ҳозирги ўзбек тилида қўлланишда бўлган *девор* атамаси ҳам “Шажараи турк” да уч тилда қиёсланади. Сўзнинг хитой тилидаги ўриндоши *унгу* сўзи бўлиб, асарда унгут қавми номининг келиб чиқиши тўғрисида қизиқарли факт баён этилади: “Андоғ деворни араб *сад* дер. Туркий тили бирлан *бурқурқа* дерлар. Хитой халқи *унгу* дерлар. Искандар яъжуж ва маъжужнинг олдина сад солди. Анушервон замонида сад қилди. Бу вақтда ани темур қопи дей турурлар. Шул саднинг эшики турур. Хитой подшоҳлари турк халқининг бир неча жамоага, сизларга ҳар йилда ўн чокли нимарса берайин, саднинг дарвозаларин сақласангиз теб, берур нимарсин қарор қилди-да турклар ани қабул қилиб сақладилар. Ўғул - ўғул ва қиз - қиз бу ишни қилдилар. Ул жамоатга *унгут* тедилар. Мўғул тилинда унгутнинг “т” си ёйи нисбаттек бўлур, нечукким *урганчи, табақчи, эшикчи* тегандик. Садни унгу, сақлаган кишиларни унгут тедилар. Садчи теган бўлур”².

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 35-б.

² Абулғозий. Кўрсатилган манба, 36-б.

Лавҳадан кўринадик, хитой калимаси бўлган унгу девор сўзини англатса, ушбу ўзакка қўшилган *-т* қўшимчаси ўзбек тилидаги *-чи* сўз ясовчи қўшимчаси вазифасини бажарган. Шунга кўра, унгут сўзини унгу – девор, *-т* эса сўз ясовчи, яъни деворчи деб изоҳлаш мумкиндек туюлса-да, ўзбек тилида бундай ясалма истёмолда эмас. Унинг ўрнида соқчи, қаровул атамалари борки, улар унгут атамаси англатган маънони тўла ифодалайди.

Барлос уруги ҳақида фикр юритган Абулғозийхон Амур Темурнинг ана шу уруғдан эканлигини айтиб, унинг маъноси сипаҳсолор эканлигини, туркий тилда эса черикни бошлаб боровчи киши бўлишини ёзади: “Барча барлос эли мунинг насли турурлар. Оқсоқ Темур ушбу урукдин эрди. Барлоснинг маъноси сипаҳсолор темак бўлур. Туркийси чирик бошлаб юрийтурган киши”¹.

Нийрун - мўғул истилоҳидаги бу сўз аслзода маъносини ифодалаб келади. Абулғозийхон бу сўзнинг ҳам туркий ва форсий тиллардаги ифодасини келтиради: “... Ул уч ўғулнинг насли ажойиб кўп бўлди. Онларга *нийрун* тедилар. Маъноси сулбипок темак бўлур. Туркийси *ару тухум* темак бўлур. Анинг учун бу отни қўйдилар ким, мўғулнинг зуъми ул уч ўғулни нурдин бўлди дейтурлар”².

Инал - қирғизча сўз бўлиб, *хон, подшоҳ* деган маъноларни ифодалайди: “Қирғиз эли тўрасина *инал* дер, мўғул *хон* ва тожик *подшоҳ* тегандек”³. Бу сўз Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам учрайди. Маҳмуд Кошғарий инал сўзини қуйидагича изоҳлайди: *инал* – онаси катта уруғдан, отаси оддий халқдан туғилган бола. Инал-қипчоқ хонларидан бирининг номи⁴. “Қадимги туркий луғат” да ҳам сўз англатган маънолар худди шу тарзда изоҳланади: *инал* - сын женщины из ханского рода и проистояудина, лица, имеющее знатное происхождение, високородный” *инал* – титул, должность⁵.

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 45-б.

² Абулғозий. Кўрсатилган манба, 38-б.

³ Каримов Қ. Кўрсатилган манба, 55-б.

⁴ Кошғарий М. Кўрсатилган манба, I т., 144-б, 342-б.

⁵ Древнетюркский словарь, 209-б.

Танкут - мўғул истилоҳидаги бу сўз жой номи маъносида қўлланилади. Абулғозийхон Ўғизхоннинг муҳорабалари тўғрисида сўзлар экан, бу номни келтиради ва тожик халқи уни Тибет деб номлашини ҳам таъкидлайди: “Ўғузхон Хитойни олди ва Чучутни олди ва тақи Танкутни олди. Танкутни тожиклар Тибет дерлар”¹.

Абулғозийхон Бухоро шахрининг номи мўғул тилидаги сўз деб изоҳлайди ва сўз англатган маъно “илм ва аҳли илмнинг жам бўладиган жойи” деб ёзади².

Килгит - шахс номи ёки лақаб бўлиб, унинг маъноси “Шажараи турк” да қуйидагича изоҳланади: “Учланчи ўғли Килгит. Кишинингки тилининг камлиги бор эрди. Анинг учун Килгит тедилар”³.

Абулғозий Баҳодирхоннинг турли тилларни қиёслаб, сўз англатган маънолар ҳақидаги фикрларига таяниб шуни айтиш мумкинки, XVI асрда яшаб ижод этган, катта бир салтанат ҳукмдори сифатида мамлакатни адолат ила бошқарган Абулғозийхон ўта билимдон шахс ҳам бўлган. У бир неча тилларни ўрганган. Ўз сулоласи салтанати тарихини яхши билган ва уни келгуси авлодга ўчмас обида сифатида етказган илм фидоийсидир. Шунингдек, Абулғозийхонни ўзбек тилининг ўткир билимдони ва унинг софлиги учун толмас курашчи сифатида ҳам талқин этиш мумкин. Буни олим “Шажараи турк” асарида қуйидагича эътироф этади: “Тарихларда битилган тоғларнинг ва сувларнинг ва кишиларнинг отлари мўғул тили ва ё турк тили турур. Китоб айтган мусаннифлар бититурғон котиблар иккиси ҳам тожик, не мўғул тилин билурлар ва не турк тилин. Мўғулнинг баъзи кишиларнинг отларини бир тожикка агар ўн кун ўргатиб ўлтурсанг тили ўргулмас. Ул нечук битисун бу фақир туркий ва форсийнинг тилини ва луғатларини ва истилоҳларини билмакликка худойи таоло ул миқдор насиб бериб турур. Бу вақтда турк ва тожикка керакким фақирга бергунча берган киши бўлмагай. Тақи бир нимарса сабаб бўлиб қалмоқга бориб, анда йил турдим. Мўғулнинг тилини ва расмини ва истилоҳларини яхши ўргандим.

¹ Абулғозийхон. Кўрсатилган манба, 64-б.

² Абулғозий. Кўрсатилган манба, 94-б.

³ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 40-б.

Бу тарихни яхши ва ёмон барчаларни билсун теб туркий тили бирлан айтдум. Туркийни ҳам андоқ айтубманким беш яшар ўғлон тушунур. Бир калима чигатой туркисиндин ва форсисиндин ва арабиндин қўшмайман равшан бўлсун, теб”¹.

Абулғозийхонни қиёсий - тарихий тилшуносликда ҳам ўз назариясига эга бўлган олим сифатида баҳолаш мумкин. Алишер Навоий икки тилни, Бобур уч тилни қиёслаб, чоғиштириб ўрганган бўлса, Абулғозийхон эса уч-тўрт тилни, айрим ўринларда эса беш тилдаги луғавий бирликларни қиёслайди. Ҳар бир тил бирлигининг луғавий маъноларини изоҳлашга эътиборини қаратади.

ОЛИМНИНГ ФОНЕТИКА, СЎЗ ЯСАЛИШИ ВА ШАКЛ ЯСАЛИШИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Абулғозий Баҳодирхоннинг сўзларга берган изоҳлари, тиллараро баъзи бир лексик-семантик қиёслари, этимологик тушунтиришлари²дан ташқари, унинг фонетика, сўз ясалиши ва шакл ясалиши билан боғлиқ бўлган қайдлари ҳам борки, улар ҳам тил илми учун, айниқса эски ўзбек тили фани учун алоҳида қимматга эгадир.

Халаж этнонимининг яралиши ҳақида фикр юритган олим, бу сўзнинг аслида Қолоч бўлгани, яъни сўзнинг таркибий тузилиши қол+оч тарзида эканлигини изоҳлайди, сўз англатган маъно “қолгин оч”, “оч қолгин” тарзида бўлганини айтади. Кейинчалик қолоч – холоч – халач - халаж тарзида фонетик ($к \rightarrow х, а \rightarrow о, ч \rightarrow ж$) ўзгаришларга учраган. Бу фонетик ўзгариш ҳам Абулғозийхоннинг эътиборидан четда қолмаган: “Барча Қолоч эли шул кишининг наслидин турурлар. Ани бу вақтда халаж дей турурлар”³.

Ушақ, аймақ сўзларида ҳам фонетик ўзгариш бўлгани кўриниб турибди. Бу ҳолат “Шажараи турк” да қуйидагича изоҳланади: “Бу йигирма тўртдин туғғанларға аймақ тедилар, асли ўшақ турур”⁴ Абулғозийхоннинг фикрича, “ўшақнинг

¹ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 30-31-б.

² Каримов Қ. Кўрсатилган манба, 57-б.

³ Абулғозийхон. Кўрсатилган манба, 28-б.

⁴ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 50-б.

аъноси уруғ темак бўлур”. Айни пайтда ҳам уруғ-аймоқ сўзи жуфт қўлланилади.

Қипчоқ сўзининг халқ жонли тилида чипчоқ тарзида фонетик ўзгариш билан талаффуз этилаётганини Абулғозийхон қуйидагича изоҳлайди: “Қора халқнинг тили келмаслигидан қофни чим ўқий турурлар. Шул қипчоқ турурким, чипчоқ теб турурлар”¹.

Абулғозийхон фонетик жиҳатдан фаркланадиган сўзларни изоҳлар экан, товушларнинг ўрин алмашилиб қўлланишига ҳам эътиборини қаратади. Масалан, “Маркитни Макрит” тарзида алмашилиб қўлланиши ҳақида: “Маркитни макрит ҳам дерлар, иккиси бир бўлур”², деб ёзади. Бу ерда “р” ва “к” товуш (харф) алмашилиб қўлланиши сўз маъносига таъсир этмагани изоҳланган. Худди шундай ҳолатни мўнгул - мўғул фонетик ўзгаришли сўз ҳақидаги изоҳда ҳам кўриш мумкин: “Асл лафз мўғул мўнгул турур. Авомнинг тили келмасликидин бора-бора мўғул тедилар”³. Бу изоҳланаётган сўзда товуш тушиши (н) билан бирга, товуш алмашилини (г → ғ) ходисаси юз берган, халқ жонли тилида юз берган ана шу фонетик ўзгаришли сўз (мўғул) халқ тилидан мустаҳкам ўрин олган.

”Шажараи турк” да ўймавут уруғ номи тўғрисида фикр юритилар экан, сўз аслида ўрмавут шаклида бўлгани кўрсатилади: “Бу вақтда ани ўймавут дей турурлар. Барча ўрмавут уруқи ул кишининг насли турурлар”⁴. Демак, бу сўзда р→й товуш алмашилиниши юз берган.

Абулғозийхоннинг айрим грамматик таҳлиллари орқали сўз ўзагига қўшилиб келган бир қатор қўшимчалар ҳақида ҳам алоҳида фикр юритиш имконияти бўлади. Олим “қадимий кўплик қўшимчалари –*т*, –*э*, мўғул тилидаги сўз ясовчи –*т*, туркий тилдаги –*чи* ва форс тилидаги *ёйи нисбат* мослиги тўғрисида бир ўринда шундай ёзади: “... Мўғул тилинда унгутнинг “т” си ёйи нисбаттек бўлур, нечукким урганчи, табақчи, эшикчи тегантек. Садни унгу, сақлагон кишиларни унгут тедилар. Садчи теган бўлур”. Мўғулча сўзлар саналмиш унгут, килгит, сукут

¹ Абулғозийхон. *Кўрсатилган манба*, 21-б.

² Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 38-б.

³ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 17-б.

⁴ Абулғозий. *Кўрсатилган манба*, 39-б.

таркибидаги *-т* аффикси сўз ясовчи аффиксдир. Бу аффикс ўзбек тилидаги шахс оти ясовчи *-чи* аффикси вазифасини ўтаган.

Ҳозирги ўзбек тилида фаол от ясовчи ҳисобланган *-чи* аффикси ўтмишда, шу жумладан XV-XIX асрлар тилида ҳам, “касб-ҳунар маъносини ифодаловчи от ясаши” илмий манбаларда қайд этилган¹. Мўғул тилидаги *-т* аффикси ҳам ана шундай хусусиятга эга эканлигини Абулғозийхоннинг юқоридаги изоҳидан уқиб олиш қийин эмас. Шунингдек, мўғул тилидаги *-т* аффикси ва ўзбек тилидаги *-чи* аффикси форс тилидаги ёйи нисбатга мос деб кўрсатилади. “Форс тили” дарслигида *йо-йэ нисбат* ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз: “Форс тилида отларга *-и* кўшимчасини кўшиш орқали улардан нисбий сифат ясалади. Бу *-и* ни форс грамматикасида *йо-йэ* нисбат дейилади. *Йо-йэ* нисбат *и* деб ўқилади, доимо урғу билан талаффуз этилади. Масалан, дивор - девор, дивори - деворий”.

“Форс тили” дарслигида “*йо-йэ* ваҳдат ҳамда *йо-йэ* накарэ” мавзусида қуйидагилар баён этилган: “Форс тилида бирор предмет ёки шахснинг бирлик ва ноаниқлигини кўрсатиш учун уларга ноаниқлик ва бирлик белгиси *-йо* кўшилиб, *и* деб талаффуз этилади. Бу *йони* форс грамматикасида *йо-йэ* накарэ дейилади».

Демак, ўқилишида «*и*» деб талаффуз этиладиган *йо-йэ нисбат* биринчи изоҳда сўз ясовчи сифатида эътироф этилади, яъни сифат ясайди. Иккинчи изоҳда қайд этилган *йо-йэ ваҳдат* ва *йо-йэ накарэ* эса бирлик ёки ноаниқлик маъносини ифодалаш учун хизмат қилади. Абулғозийхон мўғул тилидаги *-т* ва эски ўзбек тилидаги *-чи* аффиксларининг форс тилидаги *йо-йэ нисбатга* мослиги деганда ана шу сўз ясалиш хусусиятини ҳисобга олган.

Эски ўзбек тилида *-ли* аффикснинг *-лы*, *-лу*, *-лў* сингари фонетик вариантлари борлиги ва улар фаол истёъмолда эканлиги айрим тадқиқотларда қайд этилган. “XV-XIX асрлар ўзбек тили морфологияси” номли монографик ишда бу аффикс “Ўзакдан ангилашилган нарса, ҳодиса, ҳолатга алоқадорлик, эгалик, маконга, ўринга мансублик, шахсга, соҳага, бирор жиҳатга оидлик, хослик, мўлжалланганлик маъноларини ифодаловчи сифат ясаши” қайд

¹ XV-XIX асрлар ўзбек тили морфологияси, Т., 1990, -50-б.

этилади. Абулғозийхон келтирган мисолда ҳам қаниқли, яъни аравали (одам) сифатида ҳосил бўлган ясама сўз кейинчалик сифат сўз туркумидан от сўз туркумига кучганлиги, яъни уруғ ва элат номини англлатганлиги эътироф этилади.

Абулғозийхоннинг бу аффикс тўғрисидаги қарашлари қуйидаги изоҳдан ҳам аён бўлади: “Анинг учун қаниқ (арава - т.б.) тедиларким, йуруганда қаниқ-қаниқ қилиб овоз қилур. Ани ясаған кишини қаниқли тедилар. Барча қаниқли эли ул кишининг авлодлари турур”¹.

Мўғул тилидаги *-с* қўшимчаси ўзбек тилидаги *-лар* кўплик қўшимчаси билан мослиги “Шажараи турк” да қуйидагича изоҳланади: “Анинг ўғлонлари кўп бўлганидин сўнг *чанас* тедилар. Ул чананинг жаъми бўлур. Туркийси чаналар темак бўлур”².

Туркий тилларда ўша даврда кичрайтириш-эркалаш маъносини ифодаловчи *-гина/-гина* аффикслари мўғул тилидаги шундай маънони ифодалашда хизмат қиладиган *-(а)к* аффикси билан мослиги қайд этилади. Шунингдек, Абулғозийхоннинг изоҳига кўра Амнак сўзи таркибидаги коф(к) ни араблар кофи тасғир деб аташи ва бу ҳам кичрайтириш-эркалаш маъносини ифодалаш маълум бўлади: “Мўғул Амин дер, ул Амнакнинг кофи, араб анга кофи тасғир дер. Ул кичкина маъносина бўлур. Ўзбек *-гина* дер. Гоҳ ердагина дер, нечуким кичик отни отгина ва кичик кишини кишигина дер”³. Бу ерда яна бир ҳолат киши диққатини ўзига жалб этади. Форс тилидаги *-(а)к* кичрайтириш аффикси этимологик жиҳатдан мўғул тилидаги *-(а)к* аффикси билан қиёсланади.

Абулғозийхоннинг сўз ясалиши тўғрисидаги изоҳлари ҳақида фикр юритар эканмиз, олим фақат аффиксация усули билан ясалган сўзлар ҳақида фикр юритибгина қолмай, композиция усули билан ясалган бир қатор қўшма сўзларни ҳам келтирадики, гарчи олим сўз ясалишининг шу усули ҳақида бирор назарий фикр билдирмаган бўлса ҳам келтирилган мисолларни таҳлил этиш орқали Абулғозийхон қўшма сўзларнинг яралиши ҳақида ўзига хос тушунчага, назарий фикрга эга эканлиги ҳақида

¹ Каримов Қ. Кўрсатилган манба, 56-б.

² Абулғозийхон. Кўрсатилган манба, 45-б.

³ Абулғозий. Кўрсатилган манба, 116-б.

мулоҳаза юрита оламиз. Олим қўшма сўзлар таркибидаги компонентларни алоҳида-алоҳида изоҳлашга ҳаракат қилади. Шунинг ўзиёқ Абулғозийхоннинг композиция йўли билан ясалган қўшма сўзларга катта эътибор қаратганини кўрсатади.

“Шажараи турк” да қайд этилган бир қатор қўшма сўзларни келтириш билан чегараланамиз. *Қолоч* сўз элат, уруғ номини аташини юқорида айтган эдик. Бу сўз икки компонентдан тузилган: қол-оч, яъни оч қолмоқ, қолгин оч (шу ерда озиқсиз оч қолавер) маъноларини ифодалайди. Абулғозийхон ҳам сўзнинг этимологик тавсифини келтирар экан, айнан шу таркибда эканлигини ёзган эди.

Бузуқ, ўчуқ сингари уруғ номлари аслида буз + ўқ (ўқни буз), уч + ўқ (учта ўқни келтир) шаклида бўлган. *Арқанақун, Ғубалиқ, Мавбалиқ, Қутлуқбалиқ, Хончунгили* сингари топонимлар ҳам икки мустақил сўзларни бириктириш орқали ясалган қўшма сўзлар бўлиб, “Шажараи турк” да сўз компонентлари алоҳида-алоҳида изоҳланади.

АБУЛҒОЗИЙ БАҲОДИРХОН КЕЛТИРГАН ТИЛШУНОСЛИККА ОИД ИСТИЛОҲЛАР

Абулғозийхон у ёки бу атама, сўз тўғрисида фикр юритар экан, шу сўзнинг қайси тил бирлиги эканлигини таъкидлаш мақсадида тилшуносликка бевосита алоқадор бўлган бир қатор атамаларни ҳам қўллайди. Жумладан, қадим турк тили, туркий тил, турк тили, туркий, мўғул тили, мўғул луғати, ўзбекча, ўзбек луғати, ўзбек тили, араб луғати, араб лафзи, форс тили, тожик тили, қирғиз тили, хитой тили, сурёний тили, луғат, истилоҳ сингари лингвистик атамаларни ишлатганки, бу Абулғозийхоннинг тилшунослик соҳасида ҳам беназир шахс эканлигини кўрсатади.

Тилшуносликка оид истилоҳлар ишлатилган айрим мисолларни келтирамиз: “Лафзи одам араб тили турур” (ШТ, 13-б) “Сурёний тили бирлан оти Ахнух эрди” (ШТ, 14-б). “Уйғур туркий тили турур” (ШТ, 20-б), “Қадим турк тилинда ичи кўш ёғочни кипчоқ дерлар эркандур” (ШТ, 21-б.), “Ул нечук битисин бу фақир туркий ва форсий тилини ва луғатларини ва

истилоҳларини билмакликда худойи таоло ул миқдор насиб бериб турур” (ШТ, 31-б.) “Бу тарихни яхши ва ёмон барчалар билсун, теб туркий тили бирлан айтдум. Туркийни ҳам андоқ айтубманким беш яшар ўғлон тушунур. Бир калима чигатой туркисиндин ва форсисиндин ва арабийдин қўшмайман равшан бўлсун, теб” (ШТ, 31-б.) “Мўғул луғатинда тожикни сайрақ деб эрмиш” (ШТ, 37-б.) “Турнинг маъноси хитой тилинда улуғ подшоҳ темак бўлур” (ШТ,37-б.) сингари.

Бундан ташқари, “Шажараи тарокима” ва “Шажараи турк” асарларида туркий, форсий, мўғул, хитой тилшунослигига оид айрим истилоҳлар ҳам қайд этилади: кофи тасғир (араб т.), ёйи нисбат (форс т.), қоф, коф, чим, лафз (араб т.), жамъ (араб т.) сингари лингвистик атамалар шулар жумласидандир.

ХУЛОСА

Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи тарокима” ва “Шажараи турк” асарлари тарихий - этнографик характердаги асарлар бўлибгина қолмай, улар XVI аср бадиий адабиёти ва ўша давр адабий тилининг ҳам ўлмас маданий ёдгорлигидир. Шу туфайли бу икки асар юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар бир асрки тўхтамай келаётир. Тадқиқотчилар Абулғозийхон асарларининг янгидан — янги қирраларини очишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ўлмас ёзма обидаларнинг ўша давр тарихшунослиги, этнографияси, бадиий насри ва адабий тили учун тутган ўрнига етарлича баҳо берилмоқда. Абулғозийхон асарлари турли жабҳаларда тадқиқ этилаётган бўлса-да, бу икки шоҳ асарнинг тилшунослик фани учун тутган ўрнига ҳали етарлича баҳо берилмаган. Қаюм Каримов, Абдуҳамид Нурмоновларнинг тадқиқотларини айтмаганда, олим салоҳиятининг бу қирраси ўзбек тилшунослари томонидан ҳали ўрганилмаган. Тўғри, рус туркийшуносларининг Абулғозийхон асарларини ўрганишга бағишланган ишларида бу масала бир қадар ёритилган. Ушбу мўъжаз иш ана шу кемтикни тўлдириш йўлидаги бир ўринишдир. Қўлланмани ёзиш давомида қуйидаги умумий хулосаларга келдик.

Абулғозийхоннинг айрим топонимлар, антропонимлар, этнонимларнинг келиб чиқиш тарихи ва номланиши билан боғлиқ қайдлари унинг тилшунос-номшунос олим сифатида ҳам чуқур билимга эга эканлигини кўрсатади. Гарчи олимнинг бу соҳадаги қарашларида, баъзан ҳақиқат билан ривоят қориштириб юборилган бўлса-да, ономастика фани учун бу фактлар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Абулғозийхоннинг кузатишлари орқали ўзбек тарихий ономастика фанининг юзага келиши ва шаклланиши тарихи юзасидан маълум тадқиқотлар ўтказиш учун ишончли манба бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Ўзбек қиёсий-тарихий тилшунослиги ва ўзбек чоғиштирма тилшунослиги фанларининг юзага келиш тарихи XI асрга бориб тақалади. Маҳмуд Кошғарий бир оилага мансуб йигирмага яқин тилнинг фонетик, лексик ва морфологик хусусиятларини қиёсий ўрганиб, бу фаннинг тамал тошини қўйган эди. Бу эса жаҳон қиёсий-тарихий тилшунослик фанининг пайдо бўлиши тарихи тўғрисидаги европа тилшунослари илгари сураётган назарияларга ўзгариш киритишга вақт етганлигини кўрсатади. Қиёсий-тарихий тилшунослик фанининг ватани Туркистон замини деб даъво қилишга ҳазрат Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Абулғозий Баҳодирхонларнинг бу соҳадаги улкан хизматлари ҳам тўртки беради. Алишер Навоий икки оилага мансуб тилларни қиёсан ўрганган, ўзининг назарий фикр ва хулосаларини “Муҳокаматул-луғатайн” асарида баён этган эди. Яна бир йирик буюк давлат арбоби ва шоир, ёзувчи ва тилшунос олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Бобур уч оилага мансуб тилларни қиёслаб, чоғиштирма тилшунослик фанини янги поғонага кўтарди. Бу буюк ва мўътабар алломаларимиз йўлидан борган Абулғозий Баҳодирхон эса тўрт-беш оилага мансуб бўлган бир неча тилларни қиёслаб, сўзларни изоҳлашга ҳаракат қилдики, чоғиштирма тилшунослик фани бу алломанинг назарий фикрлари орқали янада бойиди, тараққиёт босқичи бир қадар юқорига кўтарилди.

Абулғозий Баҳодирхон ўзбек ономастикаси тараққиётига катта ҳисса қўшган, бир қатор топонимлар, антропонимлар, этнонимлар этимологияси ҳақида фикр юритган йирик тилшунос олимдир.

Унинг меҳнати эвазига араб, форс, тожик, сурёний, туркий, ўзбек, қирғиз, мўғул ва хитой тилларининг бирликлари қиёсланиб ўрганилди, ишончли мисоллар билан далилланди.

Абулғозий Баҳодирхоннинг фонетика, сўз ясалиши, морфология соҳасидаги қайдлари ҳам тилшунослик фани учун катта аҳамиятга эга. Олимнинг бу соҳадаги фикрлари XVI аср ўзбек тилининг фонетикаси, сўз ясалиши ва сўзларнинг морфологик хусусиятларини тадқиқ этишда қўл келади.

Абулғозийхоннинг тилшунос олим сифатидаги фаолиятига унинг ўзи қўллаган тилшуносликка оид истилоҳлар орқали ҳам

баҳо бериш мумкин. Олим томонидан қайд этилган истилоҳлар унинг тилшунослик соҳасида кенг билим ва салоҳиятга эга эканлигини кўрсатади.

Абулғозийхон ўз она тилисининг софлиги учун курашчи ҳамдир. У гарчи асарларини “барча қийналмай тушуниб ўқусун” деган мақсадда содда тилда, бошқа тил истилоҳларини ишлатмай ёзган бўлса-да, унинг бу ҳаракатида ўз халқи тилига бўлган чуқур эҳтиром ва ҳурматни туйиш қийин эмас.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

(Тест саволлари)

1. Абулғозий Баҳодирхон таваллуд топган (ҳижрий йил) санани топинг.

- A) 1010 йил B) 1015 йил
- C) 1012 йил D) 1014 йил

2. Абулғозий Баҳодирхон милодий нечанчи йилда туғилган?

- A) 1603 йил B) 1604 йил
- C) 1605 йил D) 1607 йил

3. “Бу фақирга худойи таоло иноят қилиб, кўп нарса берган турур. Хусусан уч хунар берган турур, Ушбу таъриф кимга тегишли?

- A) А.Навоий B) А.Баҳодирхон
- C) З.М.Бобур D) А.Умархон

4. А.Баҳодирхон мўғул этноними этимологиясини қайси сўздан келиб чиққан дейди?

- A) Мунгул B) Монгол
- C) Уйғур D) Турк

5. Абулғозий Баҳодирхон маълумотига кўра хитой тилида девор сўзи нима деб юритилади?

- A) Сад B) Буркурка
- C) Девор D) Унгу

6. “...Бас туркларга туркона айтмак керак, то уларнинг барчаси фаҳм қилгай...” дея ўз асарларини соф ўзбек тилида ёзган ижодкор ким?

- A) А. Навоий B) А.Баҳодирхон
- C) Ҳ.Бойқаро D) З.М.Бобур

7. Абулғозий Баҳодирхоннинг қайси асари ярим афсонавий хусусиятга эга?

- A) “Шажараи турк” B) “Шажараи тарокима”
- C) “Манофеъул-инсон” D) “Шажараи тарокима” ва “Шажараи турк”

8. Абулғозий Баҳодирхоннинг қайси асари Россия олий ўқув юртларида Шарқ халқлари тарихи ва тилини ўқитишда ижобий таъсир этган?

- А) “Шажараи турк” В) “Шажараи тарокима”
С) “Манофеъул-инсон” Д) “Шажараи тарокима” ва
“Шажараи турк”

9. Ушбу фикр қайси олимга тегишли: «Турк тилида ўз вақтида ёзилган «Шажараи тарокима» асари ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлиб, у фақат тил ёдгорлиги эмас, асосан ишлаб чиқариш жараёнига, тарихшунослик ва белестристик адабиётга ҳам тааллуқли асар эди»

- А) А.Н. Кононов В) Ҳ.Худойназаров
С) С. Иванов Д) Ҳерман Вамбери

10. Ушбу фикрлар қайси олимга тегишли: «Абулғозий Баҳодирхоннинг кўпгина ишлари Бобурни хотирга туширади... Жаҳон унинг «Шажараи турк» асари учун ундан миннатдордир».

- А) А.Н. Кононов В) Ҳ.Худойназаров
С) С. Иванов Д) Ҳерман Вамбери

11. Абулғозийнинг қайси асари унинг ўғли Анушахон топшириғи билан урганчлик зиёли олимлардан бири Маҳмуд ибн Муҳаммад Урганчий томонидан ниҳоясига етказилди?

- А) “Шажараи турк” В) “Шажараи тарокима”
С) “Манофеъул-инсон” Д) “Шажараи тарокима” ва
“Шажараи турк”

12. Абулғозийнинг «Шажараи турк» асари қайси зиёли томонидан француз тилига таржима қилинди?

- А) Румянцев В) Саблуков,
С) П.И.Демезон Д) А.Н. Кононов

13. Абулғозий асарларини илмий йўналишда тадқиқ этиш қачондан бошланган?

- А) 1940 йиллардан В) 1950 йиллардан
С) 1960 йиллардан Д) 1970 йиллардан

14. Абулғозийнинг тарихий фаолияти тўғрисида илмий иш қилган олим ким?

- А) Б.Ахмедов В) Қ.Муниров
С) К.Юсупов Д) Я.Ғуломов

15. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турки” асарининг адабий аҳамияти тўғрисида илмий иш қилган олим ким?

- А) Олим Шарафидинов В) А.И.Абражеев
С)М.Юнусов Д) В.А.Абдуллаев

16. Абулғозийнинг адиб сифатидаги фаолияти қайси олим томонидан ўрганилган?

- А) Ҳ. Худойназаров В) А.И.Абражеев
С)М.Юнусов Д) В.А.Абдуллаев

17. Абулғозийнинг тилшунослик соҳасидаги фаолияти дастлаб қайси тилшуноснинг мақоласида тадқиқ этилди?

- А) Қ.Каримов В) А.Нурмонов
С) Н.Маҳмудов Д) Э.Жабборов

18. Абулғозийнинг “Шажараи турк” асарида берилган Арканакун топонимининг биринчи морфемаси Аркананинг маъноси нима?

- А) Тоғнинг тоши В) Тоғнинг камари
С)Тоғнинг қири Д) Тоғнинг довони

19. Абулғозийнинг “Шажараи турк” асарида келтирилган Ғубалиғ//Ғубалиқ топонимлари биринчи морфемасининг маъносини топинг.

- А) Ёмон В) Ўрта
С) Дуруст Д) Яхши

20. Абулғозийнинг “Шажараи турк” асарида келтирилган Ғубалиғ//Ғубалиқ топонимлари иккинчи морфемасининг маъносини топинг.

- А) Шаҳар В) Ўлка
С) Қишлоқ Д) Водий

21. Чингизхон қайси қалъани Қутлуқ балиғ дея номлади?

- А) Бомиён қалъасини В) Бомиён водийсини
С) Зарнуқ қалъасини Д) Зарнуқ шаҳрини

22. Абулғозий асарида берилган қипчоқ этнонимининг маъносини қандай изоҳлайди?

- А) Ичи кўш ёғоч В) Ичи ёриқ ёғоч
С) Ичи бўш ёғоч Д) Ичи ўйик ёғоч

23. Абулғозий арлат антропонимини қандай изоҳлайди?

- А) Отанинг севар ўғли В) Отанинг кенжа ўғли
С) Отанинг тўнғич ўғли Д) Отанинг мард ўғли

24. Арлат этноними қандай ҳосил бўлган?
А) Топонимдан В) Антропонимдан
С) Зоонимдан Д) Мифонимдан
25. Абулғозий Баҳодирхон кирайт этномнимининг маъносини қандай изоҳлайди?
А) Қора буран В) Қора танли
С) Қора юзли Д) Қора сочли
26. Абулғозий Баҳодирхон ўрманқит этнонимини қандай изоҳлайди?
А) Ўрмонда яшовчилар В) Ўрмон ташқарисида яшовчилар
С) Дала-даштда яшовчилар Д) Ўрмон ичида яшовчилар
27. Абулғозий Баҳодирхон турқақ тарихий этнонимининг маъноси қандай изоҳлайди?
А) Соқчи В) Қўриқчи
С) Бир жойда турувчи Д) Қўриқловчи
28. Абулғозий Баҳодирхон қарлиқ этнонимининг этимологиясини қайси сўзга боғлайди?
А) Қори бор В) Қорлик
С) Қанниқ Д) Қарилик
29. Абулғозий Баҳодирхон Шиш пайғамбар номининг маъносини қандай изоҳлайди?
А) Ҳайбатуллоҳ В) Ҳайбатли
С) Ҳайратли Д) Ҳайратланарли
30. Абулғозий Баҳодирхон Шиш пайғамбарнинг ўғли Ануш номининг маъносини қандай изоҳланган?
А) Садоқатли В) Содик
С) Севикли Д) Суюмли
31. Абулғозий Баҳодирхон Деббоқўйхон антропонимининг биринчи морфемаси дебнинг маъносини қандай изоҳлайди?
А) Тахтнинг ери В) Эл улуғи
С) Элнинг бошлиғи Д) Тахтнинг ўрни
32. Абулғозий Баҳодирхон Чингиз антропонимининг биринчи морфемасини қандай изоҳлайди?
А) Буюк ва мўътабар В) Қаттиқ ва кескир
С) Тез ва илдам Д) Улуғ ва қаттиқ

33. Абулғозий Баҳодирхон қўллаган қўчин сўзи қайси тил бирлиги саналади?

- А) Мўғулча
- В) Тожиқча
- С) Хитойча
- Д) Ўзбекча

34. Абулғозий Баҳодирхон қўллаган қўчин сўзи ўзбек тилида қайси сўзга тўғри келади?

- А) Қўшчи
- В) Қўшмачи
- С) Келинчак
- Д) Хотин

35. Абулғозий Баҳодирхон асарида қўллаган Жўчи исмининг маъноси нима?

- А) Меҳмон
- В) Баланд
- С) Ойина
- Д) Маъноси берилмаган.

36. Абулғозий Баҳодирхон асарида қўллаган кечкинруд терминининг маъноси нима?

- А) Сой
- В) Кичик сой
- С) Катта сой
- Д) Водий

37. Хитой калимаси бўлган унгут атамаси таркибидаги –т қўшимчаси ўзбек тилидаги қайси қўшимчани ифодалайди?

- А) –чи сўз ясовчи қўшимчасини
- В) –дор сўз ясовчи қўшимчасини
- С) –кор сўз ясовчи қўшимчасини
- Д) - сиз сўз ясовчи қўшимчасини

38. “Бобур тилшуносликда янги назариянинг асосчиси” мақоласининг муаллифи ким?

- А) Алибек Рустамов
- В) Босим Тўйчибоев
- С) Низомиддин Маҳмудов
- Д) Ҳамид Неъматов

39. Мўғул тилидаги бурчиғин сўзининг маъносини топинг.

- А) Шахло
- В) Кўк
- С) Сарик
- Д) Қора

40. Хитой тилидаги тайши сўзининг маъносини топинг.

- А) Бахши
- В) Ҳофиз
- С) Шоир
- Д) Ижодкор

41. Мўғул тилидаги дўрман сўзининг маъносини топинг.

- А) Тўрт
- В) Беш
- С) Уч
- Д) Олти

42. Мўғулча сукут сўзи нимани англатади?
 А) Арчани В) Теракни
 С) Юлғунни Д) Ҳар қандай дарахтни
43. Гурхон сўзи қайси тил бирлиги саналади?
 А) Хитойча В) Ўзбекча
 С) Мўғулча Д) Тожиқча
44. Гурхон сўзининг маъносини топинг.
 А) Гўрков В) Давлат бошлиғи
 С) Вазир Д) Улуғ подшоҳ
45. Сайрақ сўзининг маъносини топинг.
 А) Ўзбек В) Тожиқ
 С) Уйғур Д) Мўғул
46. Сайрақ сўзи қайси тил бирлиги саналади?
 А) Мўғул В) Уйғур
 С) Хитой Д) Ўзбек
47. Туркий тилдаги сой сўзи араб тилида нима деб аталади?
 А) Кечкинруд В) Водий
 С) Муран Д) Рудхона
48. Туркий тилдаги сой сўзи мўғул тилида нима деб аталади?
 А) Кечкинруд В) Водий
 С) Муран Д) Рудхона
49. Абулғозий Баҳодирхон қўллаган инал атамаси қайси тил бирлиги саналади?
 А) Қирғизча В) Ўзбекча
 С) Мўғулча Д) Хитойча
50. Абулғозий Баҳодирхон қўллаган инал атамасининг маъноси топинг.
 А) Хон В) Вазир
 С) Девонбеги Д) Подшоҳ
51. Абулғозий Баҳодирхон асарида келтирилган Танқут топоними ҳозирда нима деб юритилади?
 А) Тибет В) Хитой
 С) Чучут Д) Болосоғун
52. Абулғозий Баҳодирхон асарида Бухоро шаҳрининг номи қайси тилдан олинган дея кўрсатилади?
 А) Хитой В) Мўғул
 С) Туркий Д) Форсий

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. — Т.: Маънавият: 2008.
2. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
3. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
7. Абулғозий. Шажараи турк.-Т.: Чўлпон, 1992. -180-б.
8. Вамбери Ҳ.А. История Бухары или Маварауннахра. Том I, Москва 1994.
9. Древнетюркский словарь. - Ленинград, 1969. 471-с.
10. Жабборов Э. Абулғозий асарларида берилган айрим антропонимлар этимологияси ҳақида // Ономастика (Илмий мақолалар тўплами), 2-сон. – Самарқанд, 2014. - Б.57-63.
11. Жабборов Э. Абулғозий Баҳодирхон – номшунос олим // Ономастика (Илмий мақолалар тўплами). 1-чиқарилиши. – Самарқанд, 2013. –Б. 59-61
12. Жабборов Э. Абулғозийнинг лингвистик қарашлари // Актуальный научные исследования в современном мире. Материалы VI Международной научно-практической интернет-конференции. 26-27 октября 2015. Выпуск 6. Часть 4. – Переяслав-Хмельницкий.
13. Жабборов Э. Абулғозийнинг топонимик қарашлари//Ўзбек тилшунослиги масалалари, №4. – Қарши: Насаф, 2014. – Б.44-47.

14. Каримов Қ. Абулғозийнинг тилга оид баъзи ҳайдлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987. - Б. 53-57.
15. Кошғарий М. Девону луғотит турк, уч томлик. III том. - Тошкент, 1963.
16. Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. I том. Тошкент: Фан, 1963.
17. Тўйчибоев Б. Бобур-тилшуносликда янги назария яратувчи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992, № 1,
18. Ўзбек адабиёти хрестаматияси. Тошкент, 11 том, -1945,-531 б.
19. Ҳидоятлов Г. Менинг жонажон тарихим. - Тошкент, 1992.
20. Худойназаров Ҳ. «Шажараи турк» ва унинг ўрганилиши. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.

МУНДАРИЖА

Абулғозий Баҳодирхон асарлари тадқиқотига доир.....	3
Абулғозий Баҳодирхон - номшунос олим.....	10
Абулғозий Баҳодирхон изоҳлаган топонимлар.....	11
Этнонимлар ҳақидаги қайдлар.....	13
Абулғозий Баҳодирхон изоҳлаган антропонимлар.....	20
“Шажараи турк”да берилган мансаб номлари.....	24
Қариндошликни ифодаловчи атамалар.....	29
Абулғозий Баҳодирхон - чоғиштира тилшунослик намояндаси.....	31
Абулғозий Баҳодирхоннинг фонетика, сўз ясалиши ва шакл ясалиши ҳақидаги қарашлари.....	42
Абулғозий Баҳодирхон асарларида қўлланган тилшуносликка оид истилоҳлар.....	46
Хулоса.....	48
Билимингизни синаб кўринг (тест саволлари).....	51
Фойдаланилган адабиётлар.....	57

ИЛМИЙ - УСЛУБИЙ НАШР

Эшпўлат ЖАББОРОВ

АБУЛҒОЗИЙ БАҲОДИРХОННИНГ ЛИНГВИСТИК ФАОЛИЯТИ

Муҳаррир: *Ш. Ахматов.*

Техник муҳаррир: *Ш. Раҳмонов.*

Мусахҳих: *Ш. Ахматов.*

Саҳифаловчи: *К. Темирова.*

Нашриёт лицензия № АИ 139, 27.04.2009 йил. Теришга 08. 10. 2019 йилда берилди. Босишга 06.11. 2019 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84₁/16. Офсет қоғози. Times New Roman гарнитураси. Офсет усулда чоп этилди. Шартли босма табағи 3,32. Нашр босма табағи 3,05. 2019-шартнома. 142-буюртма. 200 нусхада. 60 бет. Эркин нархда.

"Насаф" нашриёти, 180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 22-уй.

*Қаршиполиграфнашр МЧДЖ босмахонасида чоп этилди. 180100,
Қарши шаҳри, Ўзбекистон овози кўчаси,
33-уй.*

ISBN 978-9943-18-263-9



9 789943 182639